


ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ДОСТАНААРИ



**БОЛТАКАЙ
БОТИР**

Қадим айём замонда,
Осмон билан баробар,
Зангар деган қала бор.
Ул шаҳарнинг хонини,
Шул Бобохон дер эди.
Вазирнинг отини,
Ул Саримбий дер эди.
Яна бир вазири бор эди,
Эржон Дўстбий дер эди.
Ул Зангарнинг эллари,
Каспи эди чорвадор.
Элнинг бир четинда,
Болтакай ботир деган
Бир полвони бор эди.
Ул ботирнинг зарбидан,
Зангарнинг кенг қаласи,
Мол ўстирган даласи,
Эди шунда фароғат.
Болтакайнинг боринда,
Халқи бўлди энди шод.
Юртлари бўлди обод.
Болтакайдай бул полвон,
Донғи кетган оламга,
Бобохоннинг элинда,
Дунёда эди мард султон.
Бедов миниб ўйнаган,
Қарши келса қалмоқлар,
Оқчалиқ қўйдаи ҳайдаган.
Эл четинда Болтакай

Қўрғон бўлиб Зангарни
Кўп замонлар қўрғади¹.

Шул Болтакай қўрғаб турганда, донғи жаҳонга кетганда, Емен деган қалмоқ шаҳрининг бир подшоси бор эди. Унга Қирайхон деб от берар эди. Қирайхон олтмиш икки амалдорини, элу халқини чақириб: «Кўп замондан бери Зангарнинг хони менга закот-улуш бермади»,— деб Зангар шаҳрига талон солмоқни бекларига айтиб турган экан:

Мард ўлганда талон қолар дунё мол,
Ботир солар душманига қайғу-зор,
Қулоқ солиб хўб тинглайкўр, бекларим,
Шоҳ Қирайнинг сизга айтар арзи бор.

Кўп қалмоққа бўлдим энди Қирайхон,
Отлансам айтади душманим омон.
Закот бермай мендай хонга дунёда
Бот уради² Зангардаги Бобохон.

Ўлжа олсак эллар бўлар гулстон,
Сарпо кияр ул саллониб қиз-жувон;
Совут кийиб отни мининг, бекларим,
Зангарга солайик энди бир талон.

От қўяйлик бориб ўнгу сўлиндан,
Ўзим ботир ким қутулар тўримдан,
Дарбантинда ёлғиз бўлса Болтакай
Не келадн ул зангарнинг қўлиндан?

Қайсарбек деган бир ботири бор эди, Эржўка деган бир полвони бор эди. Шул ботир полвони Болтакайнинг эрлигини бир-бир баён қилиб Қирайшоҳга айтган экан:

Саваш кунин ҳавас қилар подшолар,
Ўзинг тахтда ўтирасан беҳабар.
Ажал етиб паймонаси тўлмаса,
Эр Болтакай қирқ минггингга баробар.

Тарқатарман сўзлар айтиб черингни,
Аввал кўрдим Болтакайнинг сирини,

¹ Қўриқлади.

² Бот урмоқ — кеккайиш, ғурурланиш, катта гапириш.



Манманликни ул олмаса кўнглига,
Хон танитар сенинг энди пирингни.

Ақирганда дунё бўлар бизга тор,
Манглайининг ўртасига қарасам,
Тўрт қарнчли, аё хоним, сари бор.
Қалқондай қулоғи, юмриқ қобоғи³,
Ғайратлари девлар каби баробар.

Бул шаҳарда очилганда қизил гул,
Бизлар ўлсак хотин қолар энди тул,
Ўтга солсанг, хоним, энди бораман,
Сирин айтдим эндигисин ўзинг бил.

Шунда хон кабзасини⁴ қўлига олиб, ўтга ёқиб тут-
ди. Қаҳ-қаҳ уриб бир кулиб қаласига жар солдирди.

Ширин жонни қийнади,
Хоннинг кўзи ёйнади,
Шодли булбул сайради;
Оғир тўпни судрагди,
Қирқ минг лашкар йиғнатди.
Хон қобоқни уяди,
Оқ совутни кияди,
Ўн олти аршин от миниб,
Қамчисин олиб қўлига,
Бекларига қараб шул вақтда
Бир-икки оғиз сўйлади:

Биз борганда душман кўнгли бўлсин тор,
Сизга ннъом бўлсин олган дунё-мол.
Отланамиз Бобохоннинг элига,
Қарнай тортинг шодлик қилиб, ёронлар.

От ёлини қиё чўлда тараган,
Бобохон Зангар халқин сўраган.

³ Қовоғи солиқ, қалин қовоқ, салобатликлик.

⁴ Кабза — курак суяги. Бурунги замонда кабза қараш — фол очинининг бир тури бўлиб, қиз бола турмушга чиқиб, биринчи бор ҳомиладор бўлгач, бир туя ёки отни сўядилар, унинг кабзасини гўштидан тозалаб, инёладек ўядилар. Ўгил туғилса, шу кабзанинг ўртасини тешадилар ва мойлаб эмчакка қўйиб, бола сутдан чиққунча эмизадилар. Бола йигит бўлгач, бир туя кабзасини олиб тозалайди, юпқалайди ва гулхан ёқиб қарайди. Шунда у ўз тақдирини олдиндан билади деб тушунганлар.

Борсанг ўлжа — молга эгасан,
Хон отангиз кабзасига қараган.

Енимга олганман ақли толибди,
Бул дунёдан ёмон кўнгли қолибди,
Болтакайга энди кабза қардим,
Ажал келиб шум паймони тўлибди.

Бўлакайдан⁶ қирқ бир ўқлар ўтибди,
Мендай хонга энди навбат етибди,
Ўйланмайин отлар қўйинг, бекларим,
Бор шумликни кабзагимда айтибди.

Ололмаса отланмайди Қирайхон,
Саваш бўлиб кўкка чиқар энди чанг,
Йўл бошланг қирқ йигитим олдиндан,
Зангарнинг йўллари тоғ билан туман.

Подшо қаҳ-қаҳ уриб кулиб, бир коса гулгун шароб-
ни ичиб, тулпор белига мнниб йўл бошлаб бориши:

Кўрганнинг ақлин олади,
Оғир тўпни судратиб,
Ҳар манзилда тўп отиб,
Лашкар юрди саф-саф [бўп].
Оздан-кўпдан йўл юрди,
Ҳар бел, довдан ошади,
Ҳар манзиллар кўчади,
Чўтлаб олиб боради.
Не бир маст қалмоқлар,
Дол бедовин ўйнатиб,
Олтиламчи кўинда,
Оқдарбанддай жойларнинг,
Ул қораси кўринди.
Дарбандни кўриб Қирайхон,
Оғир кўчни ташлади,
Дамини олиб лашкарлар,
Шу жойларда яшнади.

Болтакай ботир кеча-кундуз ёнига одам йўлатмай,
Арслонбек деган бир дўсти билан Дарбандни қоровул-
лаб турар эди.

⁶ Болтакайнинг хотини.

[Шунда] Қирайхон Қайсарбекни қирқ йигити билан
чақириб келиб «Қайсарбекка сўз айтмайин»,— деб Эр-
жўкага қараб бир сўз айтди:

Мард Эржўка деб айтади ўзингни,
Сарғайтирдинг душманларнинг юзини,
Қайсар каби номардликни ўйлама,
Ўйгин бориб Болтакайининг кўзини.

Ботирман деб тулпор миндинг остинга,
Келдинг энди ўзбакларнинг қасдига,
Раҳм айламай кўздан оққан ёшига,
Болтакайни боғлаб келгин қошимга.

Бобохонда бурунгидан ўчим бор,
Бул келишда қирқ минг менинг кучим бор.
Болтакайни боғлаб келинг ёнимга,
Қирқ полвондай Эржўкажон кучинг бор.

Халққа бўлдим адолатли энди хон,
Бориб солсанг Зангар элга бир талон.
Кесайлик бошини сонсиз ўзбакнинг,
Мен сенга бераман етти қиз инъом.

Бу сўзни Эржўка эшитиб: «Мен шундай ботир пол-
вон эканман»,— деб кўнглига манманлик келтириб, хон-
га қараб, муртини бураб: «Қайсар билан бизга тирик
жон чоқ⁶ келмас»,— деб оёғини узангига тираб, Дар-
бандга кетар вақтида бир-икки оғиз жавоб айтибди:

Мен билмайман бул дунёнинг ёлғонин,
Ўқлар ўтмас, пўлатдандир қалқоним,
Зор йиғлатиб Болтакайни боғлайман,
То кўрганча хўш, омон бўл султоним.

Енингга олгайсан энди тўрани,
Олим бўлган ўйлаб ақл каради⁷,
Меннингдайин олдиндаги мард полвон,
Болтакайининг жазосини беради.

Ўзим полвон, ул отамиз қаллошди(р),
Кўзидан оқизиб ул қонли ёшди,

⁶ Тенг.

⁷ Ақл билан нш туташ.

Қараб туринг, адолатли султоним,
Мен қиламан Болтакайман савашди.

Бу сўзларни айтиб қирқ йигитин ияртиб, от чоғиб далага, кўрганнинг ақлин олади, добил қоғиб боради. Дарбандга ёв яқин келганда, Арслон Болтакайга қараб:— Мана бу ёвнинг солдори⁸ кўп, хонга хабар қилайлик,— деб бир сўз айтди:

Юрган ерим қора тоғнинг жираси,
Ғоғил қолар ул Зангарнинг оғаси,
Ғоғилликдан эллар чувлаб қолмасин,
Улжа бўлиб энди хотин, боласи.

Қирқ бир отли чанғлар солиб келади,
Чанғи энди зулмат олиб боради.
Мардлик қилиб сонсиз ёвга, жон оға,
Ёвга берма, Зангар деган қалани.

Мен берайин Бобохонга тез хабар,
Раҳмсиз бўлади кофир қалмоқлар,
Икки одамнинг чанғи чиқмас ҳавога,
Халқимизни сен йиғлатма зору-зор.

Ёвга минсанг кўкка отар араб от,
Яккалик-ку ғўч йигитга ёмон дард,
Бориб энди хонга хабар берайин,
Болтакайжон, менга беринг сиз рухсат.

Шул вақтда Болтакайнинг қаҳр-ғазаби келиб, тукларин совутни тешиб, бир коса гулгун шароб ичиб, манманлик хаёлига кетиб, Арслонга бир жавоб айтади:

Арслон, ичдим сув ўрнига мен қонни,
Кўнглингга олма келаётган душманни,
Келди неча дев, полвонлар бул жойга,
Ўтказмадим энди жондор, одамни.

Остимга минганим қанотли тулпор,
Ақирганда қочмаймикан қалмоқлар,
Кўмакчи сўрамоқ менга номусдир,
Кета кўр, жон Арслоним, аллаёр.

⁸ Кети.

Менга десанг ўзинг номард дунёда,
Бобоҳонга мен бермайман ҳеч хабар.
Халқим учун мендан тўкилсин қизил қон,
Халқим учун мен бераман жонимни,
Кетар бўлсанг, бек Арслоним, хўш, омон.

Гизлансангиз⁹ мана тоғлар, жирази(р),
Энди қочсанг, ёвлар босиб боради.
Мен бормайман подшонгга, Арслоним,
Халқим учун лошим тогда қолади.

Арслон келаётган ёвни кўриб шўшди, қалмоқнинг ақирганига чидамай қора босди. «Ҳар кимнинг ўз жони-жон. Номард бўлайин, соғ бўлайин»,— деб шаҳарга қараб қочди. Ботир Болтакай отнинг бошини бурди, қўлига найзасин олиб, қарши Дарбандда турди. Тоғнинг устида туриб, хабарнингни бериб юр,— деб Болтакай обой¹⁰ уриб бир сўз деди:

От ўйнатган қиё майдон далага
Сенми энди элдан чиққан бенаво,
Аё қалмоқ, обрў борда бер хабар,
Сафарнингиз энди қайси қалага?

Тулпорингни сен минибсан, остингга,
Кескир қилич сен бойлабсан дастингга.
Шароб ичиб маст бўлдингми, эй қалмоқ,
Сен борасан қандай хоннинг устига?

Душман минар дўстни кўрса шерина,
Саваш куни мард тарқатар черини,
Тургин, қалмоқ, мен оламан жонингни,
Сен борасан қандай шоҳнинг элина?

Шул вақтда Қайсар қаҳрланиб, Болтакайга қараб, йўлдан чиқ,— деб бир сўз айтди:

Эшитмайман, ёлғиз одам, зорингни,
Сен ўларсан, раҳминг келсин жонингга.
Сафарнимиз шул Зангарнинг қаласи,
Мен ошнқман Бобоҳоннинг қонига.

⁹ Яширинсангиз ив.

¹⁰ Дўқ.

Раҳм этмасман кўздан оққан ёшинга,
Қарши турма қирқ йигитнинг ишига,
Зангар элнн насиб бўлса оламан,
Мен ошиқман Бобохоннинг бошига.

Бул сўзларни шум қалмоқ,
Шул вақтинда айтганда,
Аччиқланиб Болтакай,
Мерган эди каллагар,
Сари ёйни шул вақтда,
Кериб қўлга олади.
Қурамтага¹¹ қўл солиб,
Сари ёйга ўқ солиб,
Шул Қайсарнинг кўзи деб,
Қаҳр билан бойлади.
Кўзидан теккан парли ўқ,
Бошини бўлиб кетади.
Қатор турган беш қалмоқ
Ўмровидан ўтади,
Ўқ бир қанғиб кетади.
Болтакайдай бул ботир,
Кўзи ўтдай ёнади,
Ширин жонин қийнади,
Тўп турган қалмоққа.
Тағи-да энди ўқ отди.
Ун бирини қулатди.
Бойлаган ўқ тегади,
Ботирнинг меҳри қонади,
Ана. мана деганча,
Қирқ йигитдан шул вақтда,
Жўка билан шул ерда,
Ун бир отли қолади.
Оти чиққан Болтакай,
Отига миниб қалмоққа,
Ақириб, қий-чув солади.
Ўраб олиб олдидан
Олтовини ўлдирди.
Жўка билан шул вақтда,
Бешта қалмоқ қолади.
Ботир туққан Болтакай,
Ширин жонин қийнайди,

¹¹ Ўқдон.

Бирнинг қўлини бирига
Маҳкам қилиб бойлади.
Кўзи ўтдай ёйнади,
Мард Жўканинг қўлини,
Ботир Болтакай бойлади.
Яхши келган меҳмон деб,
Беш қалмоқ ботирнинг,
Қулоғин кесди шўмпойтиб,
Бурнин кесди чўнтойтиб,
Соқол билан нягин,
Буни-да кесди мўнтойтиб.
Тилларини чиқариб,
Таги-да кесиб олади.
Сўйган энди сўқимдай,
Боши жувознинг ўқиндай;
Сўзлай деса тили йўқ.
Кўзда ёши мизиллаб,
Кўгайиндай¹² изиллаб,
Қирайхоннинг олдига,
Бора солиб ташлади.
Айтарига сўзи йўқ.
Қулоғи билан бурни йўқ,
Мисли ҳайвон шекилли.
Хоннинг бели букилди.
Юборганга Қирайхон,
Қайта-қайта ўқинди.
Неча бир ботир-полвон,
Пигитларидан айрилиб,
Аччиги келиб ақириб,
Отланинг!-- деб чақириб,
Тулниорига миниб Қирайхон,
Ев олдинда йўл солди.
Пиграниб аскар кўчади,
Ҳар бел довдан ошади,
Ўзинг кўрган Қирайхон,
Хорланиб, Дарбандга етади.
Эндиги сўзни эшитинг.
Болтакайдай ботиринг
Қобоғини уяди.
Пўлат совут княди.
Отга миниб шул вақтда,

¹² Молларини чақадиган чивиндан катта ҳашарот.

Ўз-ўзидан сандираб,
Манманлик қилиб Болтакай,
Бир-икки сўз айтиб,
Қалмоққа қараб жўнадн,
Жўнай бериб не деди:
Қиличимдан саваш куни оқар қон,
Ажал етса жудо бўлар тандан жон.
Халқ учун от қўйсам золим қалмоққа,
Элим учун ўлсам менга не армон?!

Терсам энди қизил гулнинг донасин,
Ўликка тўлдириб тоғнинг саласин,
Ўлмай бурун бермас ботир қаласин.
Мен берайин қалмоқларнинг жазасин!
Дейиб энди Болтакай,
Ботир энди элига,
Миниб отнинг белига,
Ботир анқов, эр гўдак.
Ўлимлар келмай кўнглига,
Кўзларн ўтдай ёнади,
Қалмоққа шовқин солади.
Қобоғини уяди,
Бир четидан тияди.
Елғиз жонни қийнади,
Саваш куни бўлганда,
Тулпор оти ўйнади,
Қалмоқларнинг ўлиги.
Лош-лош бўлиб қийради.
Олдиндагин қирганда.
Кейни босиб боради.
Кейниндагин қирганда
Олди босиб боради.
Ер ичинда Болтакай,
Елғиз ўзи қолади.
Қиличдан оқди қизил қон,
Елғизлик йигитга армон,
Манманлик қилганига,
Қилди шунда пушаймон.
Шамол пайдо бўлади,
Чанглар чангга улашди,
Болтакайдай ботирни.
Қаттиқ ёлғизлик босди.
Болтакайдай ботирга,

Шунда дунё тор эди.
Қалмоқларнинг ичинда,
Қирқ мергани бор эди.
Найза билан Болтакай,
Фовурларни санчади,
Ўзинг кўрган қалмоқлар,
Ўртага олиб ботирни,
Шунда ўққа тутадн.
Остиндаги тулпорнинг,
Чопа-чопа бели букилди,
Ўқ зарбига чидамай,
Болтакайнинг совути,
Чопон каби сўкилди.
Мард йнглайдн майдонда,
Елгизликдан зору зор,
Ана-мана деганча,
Болтакайдай ботиринг,
Қирқ еридан бўлади,
Шул вақтда ярадор.
Ол ботир, олло солади,
Юраги толиб боради,
Кунлар ботган вақтда,
Кўп қалмоқнинг нчинда,
Елғиз ўзи қолади.
Қолганин билиб ботиринг,
Отига қараб сўзлади:
-- Айналайин, жонивор,
Оч бўлганда ўт бердим,
Сув ўрнига сут бердим,
Иккигина боламнинг,
Дийдорига қонмадим.
Қийин кунга қолганда
Керилиб қамчи солмадим.
Кўзимдан оқди бул ёшим,
От-да бўлсанг, жонивор,
Сенсан эдинг йўлдошим.
Ўтар бўлдим дунёдан.
Кўрмайин қавму қариндошим.
Бостирмагин қалмоқнинг
Отига менинг лошимни.
Бул жонинг боринда.
Ташлаб кетма бу ёвга
Менинг олтин бошимни.

Ўзинг кўрган араб от,
Ақли одамдан зиёд,
Долдай ёлин ўради,
Қанотга зўр беради,
Уч қаватли қалмоқнинг
Ичида қолган ботирни
Тулпор олиб қочади.
Буни кўриб қалмоқлар,
Изидан отни босади.
Кўзгинангдан тулпор от,
Юлдуздай оқиб боради,
Етөлмай қалмоқ қолади.
От жонивор ботирга,
Онасиндай ияди.
Олдига йиқилар бўлса,
Ели билан суяди.
Кейинга йиқилар бўлса,
Қуйруги билан суяди.
Хуфтоннинг вақтинда,
Дарбанддан ошиб жонивор,
Омон-эсон ўтади.
Уқ теккан сўнг ўнгсинми,
Ботир туққан Болтакай,
Емон қолдан кетади.
Сардоқли деган овулга,
Бир манзилдай қолганда,
Инграниб энди Болтакай,
Хумор кўзин ёшлади,
Рози бўлдим, жонвор, деб
Бир тоғнинг ўйига,
Қучоғин очиб ташлади.
Эгам озор топмасин, деб
От жонивор ётади.
Кўрганнинг ақлин олади,
От жонивор йиғлади.
Қиргай деган сойларда,
Ярим оқшом вақтинда,
Ботир йигит қолади.
Болтакай минган қулон от,
Сардоқлик деган элатга,
Болтакайнинг оқ ўтовига,
Бориб гуркираб кишнади,
Оёғини тапиллатиб жонивор,

Ўзини ерга ташлади.
Уйқуда ётган Бўлакай,
Севнб олган севдиги,
Сачраб туриб ўридан.
Чнқса майдон далага,
Болтакай минган қулон от,
Одамдайини қон йиғлаб,
Ўқиранди хоназот.
Чироқ ёқиб Бўлакай,
Боғлаб отга қараса,
Отнинг ёни жўша қон.
Бош эсидан айрилган.
Хафа бўлиб жонивор,
Қайта-қайта кишнади,
Сувлиғини тишлади.
Отнинг манглайини силаб,
Эгасини ундан сўраб.
Айтди экан икки оғиз жавоб:
Тулпорингни кўриб бўлдим беқарор,
Кишнаганда мен мунглига дунё тор.
Келдинг энди қора қонга бўялиб,
Бош эгангиз қайда қолди, жонивор?

Оёқдан тўкилар мен кўрсам қонинг,
Мард йўлинда фидо бўлган бу жонинг,
Тилинг бўлса сўзлай кўргини. жонивор,
Армон билан қайда қолди султоним?
Сени кўриб менга келди қийин дард.
Сени кўриб кимлар бўлар энди шод.
Тилинг бўлса сўзлай кўргини жонивор,
Бош эгангиз қайда қолди, араб от?

Тор бўлдим кенг Зангарнинг даласи,
Душманларга етмадим чораси,
Армон билан ёвда қолиб султоним,
Етим қолди икки бирдай боласи.

Зиёд бўлди кундан-кунга бу дардим,
Еш ўртада ортди менинг меҳнатим.
Мен кетарман сендай мардимни излаб,
Етим қолди икки бирдай фарзандим.

Бу сўзларни айтиб, йиғлаб хуморини тарқатиб, кўзидан қонли ёшнинг тўкиб, шарқод Бўлакай белларини букиб, ичкарига кирса, икки иорасида боласи ўрнидан турибди. Куйиб турган Бўлакай ширин жондан кечиб, ажалнинг шаробини ичиб, «Юраклари қотсин»,— деб отасининг йўлда қолганини болаларига бир-бир баён этиб турган экан:

Олло солди онангизга армонди,
Елгиз ўлса унинг уйи ваёронди (р),
Етимликни ҳақ солибди бошингга,
Жон отангиз энди йўлда қолганди (р).

Болалар ўқийди сон-ҳарфди,
Ажал етмай шўм паймони тўлибди,
Армон билан йўлда ўлиб Болтакай,
Болалари энди етим қолибди.

Маҳкам тутгани Чавралойжон юрагинг,
Норастасан, келгай, болам тилагинг,
Сиз қоларсиз оқ ўрдада қон йиғлаб,
Мен излайман Болтакайнинг суюгин.

Оқизмайман кўздан қонли ёшимни,
Кўтараман ҳақнинг солган ишини.
Қолган бўлса бир жойларда Болтакай,
Кесдирмайин султонининг бошини.

Душман бўлди мард ўлганда энди шод,
Юрагимга қайнаб битди шу кун дард,
Отам ўлди дейиб қонлар йиғлама,
Чавралойжон, ўзинг ночор, бўлгани мард.

Ҳақ сўлдирган отангизнинг гулини,
Саваш қилиб тарқатайини черимни,
Бахтингизда бўлса омон келурман,
Ўлақўйсам, зор йиғлатма нинини

Саккиз ёшда ўзинг энди баркамол,*
Чндамайди отанг ўлиб, бул онанг,
Рози бўнг ота-онангдан болларим,
Боришим тириклик, келишим гумон.

* Баркамол.

Берсин сизга, болаларим, энди бахт,
Фарзанд қолса бандага ёнган чироқ.
Кўнингиз ҳақнинг қилган ишига,
Болаларим, бир-бировни кўрмоқ йўқ.

Бойидан қолган бир қалпоқ бор эди, Бўлакай бо-
шига кийди, бойидан қолган оқ совути бор эди, устига
кийди, белига олмос қилични боғлади. Мисли йигит су-
ратда бўлиб, кўзларн ўтдай ёниб, отни сийпалаб, қай-
тадан эгарлаб, юганларини тугаллаб: «Эй, овулга шов-
қни солмоқ номардлик бўлар, бизни иочор-да деб
айтар»,— деб болаларига, элу кунпга бир сўз айтиб,
Бўлакай Болтакайнинг лошини излаб отланган жойи:

Кишнаб келди саҳар вақтда шул отим,
Ҳақ солган сўнг қайрилибди қанотим.
Бўлакайдан сен айрилдинг қон йиғлаб,
Хўш қол энди ўйнаб ўсган элатим.

Отинг бағри жўя-жўя қизил қон,
Мен мунглиман қўшоғидан айрилган.
Елғончида бир-бировни кўрмоқ йўқ,
Элу халқим то кўрганча хўш, омон.

Мен йиғламай ким йиғласин зору зор,
Етим қолган иккигина болам бор.
Розиман, элларим, икки дунёда,
Фарзандимнинг шул ҳолидан ол хабар.

Халқим учун ўтди мардим дунёдан
Халқни сақлар эди душман орадан.
Эндигисни манглайингдан кўрарсан,
Рози бўл бизлардан оғайин — туққан.
Бунн айтиб Бўлакай,
Тулпорни ҳайдади.
Остиндаги жонивор,
Тонг отарнинг олдинда,
Соғ қусндай ўйнади.
Отнинг кўзн ёйнади,
От ёлини таради,
Изини искаб жонивор,
Эгаси қолган жойларга,
Тулпор жўнаб боради
Тулпор отнинг жилвасин,

Кўрган сўнг Бўлакай
 Кўзидан оқди қонли ёш,
 Бошига тушди мушкул иш.
 Бир тоғнинг сойидан
 Бўлакай деган орувнинг¹³
 Қулоғига келади
 Инқиллаган бир товуш.
 Яқин-яқин бўлганда,
 Илон каби буралиб,
 Сувсинига сув топмай,
 Бемор каби инграниб,
 Арслон каби тўлғаниб,
 Болтакай отли полвони,
 Нордай бўлиб ётибди.
 Отдан тушса Бўлакай.
 Бир шаҳарнинг полвони
 Қизил қонга ботибди.
 Кўтаролмай қобоғин,
 Кўзига қон қотибди.
 Узи ночор Бўлакай
 Уксиб-ўксиб йилади¹⁴,
 Кўзининг ёшин булади.
 Рўмол олиб қўлига,
 Арслонининг кўзини
 Қайта-қайта силади.
 Кўзини очиб қаради,
 Онда қўлин узатиб.
 Бўлакайнинг бўйнига,
 Уксиб-ўксиб йиғлади.
 Нордай бўйнин буради,
 Биргина ютим сув ичиб,
 Бўлакайдай ёридан.
 Яраларин сўради.
 Сўрай бериб сўйлади:
 Менга бўлдинг, э севдигим, олихол¹⁵,
 Дунё бўлди ботирингга шу кун тор.
 Утлар ёқиб қарай кўргин ярамни.
 Суягим сирқираб бўлдим мен бемор.

¹³ Гўзал.

¹⁴ Йиғлади.

¹⁵ Рўлдош.

Манглаймдан оқар энди шомла-тер,
Тайнимикан мендай мардга қора ер?
Ярамни кўр, айланайин, севдигим,
Неча вақтнинг ўтганини айтиб бер.

Шу вақтда Бўлакай созоқ-саксовулларни қайриб
келиб, қалаб, тамоми ернинг ярасини кўриб, ботирнинг
бошини тиззасига олиб, оз-оздан сув бериб, ёрига айт-
ган жавоби будир:

Долдай бўйим бурадим,
Эгилиб сочиб тарадим,
Яғринингга қарадим.
Унгина ўқ ўтибди,
У ҳам сийпаб кетибди,
Кўз ёшимни бўладим,
Кўзларингни силадим,
Тўққиз кўзни қарадим,
Ун ерингдан отибди,
Булда сийпаб кетибди.
Зарари йўқ ярангнинг,
Болаларим умрини
Бир оллодан тиладим.
Иккигина дунёда,
Эй, инносанг мен эдим.
Суяб сенга сув бериб,
Ўмровингга қарадим.
Ўмровнинг ўн еридан
Сур мергани отибди.
Суягингдан қайтибди,
Зарари йўқ ярангнинг.
Мен қарасам, чироғим,
Дўстлар бўлган куйибди,
Душман сўзи тийибди.
Ол миянгдан ўн яра,
Сур мергани отибди,
Ул миянгга ботибди.
Ерим ишинг битибди,
Сендай ботир, полвоним,
Кун чиқа-кун чиқа
Оқ дунёдан ўтибди.
Уқий бергин имонинг,
Йўлдош бўлмас бу жонинг,
Туллар қолди олганинг,

Етим қолди болларинг.
Ол мен келдим нзингдан,
Ўзим ночор нетайин,
Хўш бўл, менинг султоним,
Рози бўлинг, султоним.
Отни кўриб отландим,
Чидамадим зорингдан.
Худо қўшган мард эдинг,
Мен кетмайман ёнингдан.
Товба қилини полвоним,
Умид узгин жонингдан.
Хонинг эди Бобохон,
Тахтлари бўлгай вайрон.
Елғиз сени юбориб,
Кофир душман олдига,
Мендай бахти қорани
Қўшганидан айирган
Сўлди марднинг гуллари,
Оч-ориқни чувлатиб,
Молин олар қўлидан.
Парвойи йўқ золимлар,
Шароб ичар беклари,
Сендай мардни ёвларга
Халқ учун ёлғиз юбориб,
Ота наълат подшога
Керак эмас эллари,
Дейиб энди Бўлакай
Бўлган ишга кўнади,
Белини маҳкам боғлади,
Ботирнинг бетига
Қайта-қайта қаради.
Ақлин ночор қаради,
Кун уядан чиққанда,
Болтакайдай ботиринг,
Халқни учун бечора.
Иягин қоқиб жўнади.

Бўлакай ёрининг ўлганини билиб, ияк-оёқларини боглаб, руҳи учун беш огиз йўқлаб кетайин.— деб айтган сўзи:

Халқлар учун фидо бўлган бул жонинг,
Жонлар чиқиб кетди сенинг замонинг.

Биров-бировни ёлгончида кўрмак йўқ,
Армон билан чўлда қолган султоним.

Мен йиглайман айрилиқдан зор-зор,
Жасадингдан олар энди ким хабар,
Бир-бировдан армон билан айрилиб,
Еш ўлимни қилди сенга муяссар.

Ғўч йигитдан айрилмасин давлат — бахт,
Шоҳлар ўлса, зор қолар олтин тахт,
Мен айрилдим сен ҳам мандан айрилдинг,
Бул дунёда бир-бировни кўрмоқ йўқ.

Мен чекарман сендай марднинг зорни,
Халқлар учун бердинг ширин жонингни,
Руҳинг рози бўлсин, ботир султоним,
Мен бориб олайин сенинг ҳорингни¹⁶.

Сенга қилдим то ўлгунча ёр, ҳурмат,
Елғиз қолган бандасига қийин дард,
Руҳинг рози бўлсин энди полвоним,
Ўлгунча қилайин халқ учун ғайрат,
Дейиб энди Бўлакай,
Ўзи сулув тўлган ой,
Олдинда бор икки сой.
Дол¹⁷ кейнига қарамай,
Евга қарши Бўлакай,
Отни ҳайдаб боради,
Ен-ёнига қарамай,
Куйганидан бул ночор.
Қийин ўйга кетади,
Золим қалмоқнинг кейнига
Шул вақтинда ўтади.
Отанга лаънат Қирайхон,
Кўз юбориб қараса,
Қарағай найза қўлинда,
Кескир қилич белнида.
Сиёсатлаб бир одам,
Лашкарининг кейнига
Қараб энди юради.

¹⁶ Номусингни.

¹⁷ Ҳеч.



Бўйнидаги туморин
Орасига қараса
Болтакайнинг тумори.
Ол остнга қараса,
Болтакайнинг тулпори,
Буни кўриб Қирайхон,
Лашкарига сўйлади:
Олди дединг қирқ олтидай ярани,
Улди дединг, от ўйнатиб борали,
Лашкарнинг кейнига энди ўтибди,
Аё қалмоқ, қайтмай қирғин солади.
Чин ботирлар бермас эди элини,
От қўйинглар танитмасин пиримни.
Яра тортиб¹⁸ кетиб эди дедингиз,
Ўлик эмас, шул Болтакай тирикди (р).

Подшолар қайтармас ёзган хатини,
Нодонликдан кўпайтирдинг дардимни,
Одамзоднинг дажжолидир Болтакай,
Мен танидим марднинг минган отини.
Буни айтгач Қирайхон,
Олтмиш икки амалдор,
Етмиш икки муҳрдор.
Қалмоққа тушди қайғу-зор.
Бўлакай отли орувга,
Чанглар-чанга улашиб,
От қўяди қалмоқлар.
Бўлакай отли бул жонон,
Қўлинда кескир исфиҳон,
Кўрганнинг ақлин олади,
Чап ёнидан келганин
Шамшир билан солади.
Унг ёнидан келганин
Қиличга зўри беради.
Қобоғини уяди,
Манглайини туяди,
Қарши келган душманнинг
Жазосини беради.
Оллога қилди нолишди,
Ночорда бўлса бечора,
Оч арслондай олишди.

¹⁸ Ярадср бўлиб.

То кун ўрта бўлганча,
Ҳеч бермади номусди.
Сари ёйлар отилди,
Асроқ туфанг отилди.
Бул милтиқнинг тутунига,
Ой билан кун тутилди.
Қалмоқ ҳайрон бўлади,
Тута билмай шул вақтда
Биргина ёлғиз хотинди.
Бўлиб туриб эди ола чанг,
Арслон ботир бош бўлиб,
Ун мингдай лашкар билан,
Қалмоқ билан шул вақтда,
Саваш қилди Бобохон.
Икки ёндан ул вақтда,
Ноғора, сурнай чалинди,
Ботирларнинг юраги,
Дарё каби жўш урди.
Оқ Дарбанддан ўтган сўнг,
Қалмоқларнинг лашкари,
Аралашиб қўшилди.
Мерган эди Қнрайхон,
Узи эди шум шайтон.
Бобохондай подшонинг,
Ширин жонни қийнади;
Қўлинда энди сари ёй,
Беқайғу турган хоннинг
Манглайиндан бойлади.
Бобохондай подшонинг,
Юраги ўтдай ёнади,
Манглайдан ўқ теккан сўнг,
Юз ўмба¹⁹ хон қулади.
Апир-тапир бўлади,
Икки ёндаги ёвнинг,
Ўртасинда Бўлакай,
Ночорлик қилиб қолади.
Раҳми йўқ кўп қалмоқ,
Қабат найза солади.
Бўлакайдай орувнинг
Совутлари сўкилди.

¹⁹ Юз тубан.

Оғзидан қонлар кетади,
Эсанкираб бечора,
Армон билан савашда,
Бўлакай пари дунёдан,
Армон билан ўтади.
Бўлакай ҳам ўлган сўнг,
Бобохон ҳам ўлган сўнг,
Арслон деган бечора,
Ярадор бўлиб бул тоғда,
От оёғи тагинда
Армон билан қолади.
Раҳмсиз қалмоқ ботирн
Ул Зангарнинг лашкарин
Сувдай қонин ичади.
Подшоси ўлган сўнг,
Ботирлари ўлган сўнг,
Лашкарлар ёмон шошади;
Қалмоқларнинг лашкари
Бобохоннинг лашкарин
Қаттиқ ёмон босади.
Зангар элнинг лашкари
Бошин олиб қочади.
Қалмоқнинг кўзи ёнади,
Бўлакайнинг ўлиғи
Бир туяга олади.
Бундан кетиб борётса,
Олдинда кофир Қирайхон
Бир қорани кўради.
Отини чопиб борса,
Болтакайнинг ўлиғи
Минордай бўлиб ётибди.
Қамчисин булғаб чақирди,
Отангга наълат Қирайхон
Арслондайин ақирди,
Бўлакайин юклаган
Ул туяни келтирди,
Болтакай билан Бўлакай —
Овуртма қилиб иккисин
Бир туяга миндирди.
Бундан қувиб келади,
Зангар лашкари қочиб боради,
Қалмоқлар босиб боради.
Болтакайнинг шул вақтда,

Ўрдасининг устидан,
Қирайхон дахл бўлади.

Ана ўрданинг олдига бориб хон қараса, ажойиб бир оқ ўрда, олтин сув билан ишланган. От дубирлаб борган вақтда олти яшар Фарруҳхон яғринлари қопқоқдай, билаклари тўқмоқдай, оғзи-бурни ўймоқдай, сўзлаган сўзи қаймоқдай бўлиб Чавралой опаси билан уйдан чиқа келди. Хон Чавралой билан Фарруҳхоннинг чиройини бошқа болалардан ўзгача кўриб, кимнинг болаларисиз, деб сўраб тургани:

Сўлдирганман неча марднинг гулини,
Кестирганман душманларнинг тилини,
Мен қарасам чанғароғи дандондан,
Айтинг, боллар, қайси бойнинг уйиди?

Олганим Бобохоннинг қаласи,
Бизга йўқди сонсиз ўзбак чораси.
Акангиз²⁰ келгандай менга югурдинг,
Сиз бўласиз қандай бойнинг боласи?

Зиёд энди ўтовининг ҳайбати,
Алишерга мангзар улнинг²¹ келбати,
Асли зотинг баён айла, гўдаклар,
Сиз бўласиз қандай бойнинг фарзанди?

Чавралой дунёда ақлли, доно қиз эди, отаси Болтакай сўзлаганда, ҳар сўзларга қулоқ солгувчи эди. Уйланиб: «Шу жаҳон юзини лашкар олиб бораётир, узоқдан туя келаётир, хон деган шундай бўла турган чиқар. Сиз энди бизнинг отамизсиз, Болтакайнинг боласимиз десак не қилар экан»,— деб Чавралойнинг оғзига бир сўз келиб айтиб тургани:

Сўз сўраган, ота, сизга арзим бор,
Етим қолиб биз йиғлаймиз зору зор,
Хон бўлади етимларнинг отаси,
Сиздан бўлак менда йўқдир ховондор.

Отам қилди халқим учун кўп хизмат,
Етимлик болага [экан] ёмон дард,

²⁰ Отангиз.

²¹ Уғил.

Хон бўлади етимларнинг отаси,
Ўлдирмайин бизларни ҳам олиб кет.

Яхшилигинг билар дунёда ўглон,
Отам Болтакай эди мард полвон;
Тирнк айрилиб Бўлакайдай оямдан,
Мен ўлмасам бир кунингга ярайман.

Хон бўлади улуғ, элнинг доноси,
Боққан бўлур етимларнинг онаси,
Еки ўлдир, ёки кулдир, ўзинг бил,
Нега етар норастанинг чораси.

Кўзларимдан оқди бугун қонли ёш,
Етимни сийласанг гинаси бўлмас.
Ота-онадан бугун энди айрилиб,
Кўзларимдан оқди менинг қонли ёш.

Шул вақтда Қирайхоннинг болаларга раҳми келиб:
«Бола ёшдан, хотин бошдан» деган: ота-онаси ўлигининг устига миндиртирайин,— деб Қори, Чори деган икки жаллодига болаларни топшириб, бир сўз деди:

Аё жаллод, қулоқ солгин сўзимга,
Бошлар кесиб, қонлар тўлган кўзимга,
Бул болларни²² ул туяга миндириб,
Ўлдирмай олиб бор менинг ўзимга.
От ўйнатдим ул Зангарнинг даласи,
Кўкка етар ўзбакларнинг носаси.
Олиб бориб мен томоша бераман,
Булар экан Болтакайнинг боласи.

Ўлжа қилиб олинг ўғил-қизини,
Боргандан сўнг ўйдираман кўзини,
Боласини қийноқ билан ўлдириб,
Аёлликка мен оламан қизини.
Буни эшнтиб жаллодлар
Кўзи ўтдай ёнади,
Иккигина болага
Келиб панжа солади.
Ғамга кўнглини тўлдирди,
Овулларда, уйларда

²² Болаларни.

Одам қўймай ўлдирди.
Иккигина болани
Ота билан онанинг
Ўлиги устига миндирди.
Тоғнинг боши даради(р),
Кўрганнинг ақли олади,
Олдидан чиққан жондорни
Раҳмсиз золим қалмоқлар
Қириб-йиқиб боради.
Ғамга кўнглин тўлдирди,
Оқча юзин сўлдирди,
Мурти оғзин тўлдирган
Не бир, не бир қалмоқлар
Ҳар бир орав қизларни
От ортига миндирди.
Ширин жонин қийнади,
Шаҳар билан қалада
Ҳар бир сарви нозларни
Қўйдаи қилиб ҳайдади.
Сўлдиради гулини,
Ўлжа қилди элини,
Отанга наълат Қирайхон
Мол-дунёга тўймади,
Ўл Зангарнинг юртида
Ўсувга итлар қўймади.
Аждарҳодай ялмади,
Шод бўлиб ётган бир халқни.
Емен деган шаҳрига
Ўлжа қилиб ҳайдади.
Қиз-жувонларнинг
От олдинда кетганда,
Ичлари ўтдай ёнади.
Икки бирдай нораства
Бул туянинг устинда
Қонлар йиғлаб боради.
Чавралой билан Фарруҳхон,
Иккови-да ёш ўғлон,
Ҳар бир қумлар келганда,
Ён-ёнига қаради,
Ҳар бир тоғлар келганда,
Ўксиб-ўксиб йилади.
Ардоқли, марднинг боллари
Душманларнинг қўлинда

Улжа бўлиб боради.
Куюклик келиб кўксига,
Тақдири шундай бўлган сўнг,
Чавралойжон қийналиб:
«Иккимизнинг қўлимиз бўш,
Қочайик золимдан»,— деб
Бул туяда ул ёниб,
Зорлаб инграб боради.
Бу хўрликка чидамай,
Хумор кўзни ёшлади.
Қутқаргайда олло, деб
Ҳар бир ўйни бошлади:
Гоҳи-гоҳи майдонда
Шайтон, пирлар киради,
Гоҳи-гоҳи ерларда
Иниси кўнгил беради.
Чавралойдай бечора
Айни кун ботган вақтда
Қарши олдига қараса,
Осмон билан талашган
Бир тўқайни кўради.
Келётир боллар қон йинглаб,
Бул тўқайни ўрталаб,
Ярим оқшом вақтинда,
Чавралой отли бул қизга
Бир хаёл пайдо бўлади.

Туяда келаётиб: «Шул инимга: «Иним, сени тўқай-га отиб ташлайин. Изингдан ўзим ташлаб, тўқай мева-синдан овқатланиб юрар эдик»,— десам. «Бул душман олиб бориб, ота-онамиз ўликларининг устида ўтга ёқиб ўлдиради, ё дорга чакиб²³ ўлдиради, отам қалмоққа кўп яра солган эди, инимни алдаб бир-икки оғиз сўз айтайин, не айтар экан»,-- деб туя устида бораётиб, Чавралой ннисига қараб, бир сўз айтган экан:

Тўқай экан мева битган лозазор,
Мевани кўрганда ўғлон қувонар,
Қайғу қилмай яшайдиган жой экан,
Опангизнинг айтар сенга арзи бор,
Жон Фарруҳжон, бу сўзимга қулоқ сол.

²³ Оснб.

Қалмоқ ұлжа қилиб олиб боради,
Отанг солган қалмоқларга ярани,
Иккимизни олиб бориб шул қалмоқ,
Улганларнинг энди қонин олади;
Жон опангнинг шукун тилин олмасанг,
Лошинг сасиб қаерларда қолади.

Бу кетгандан ёвлар тоғдан ошади,
Ақлсизлар ширин жондан кечади,
Ақлли одам энди ёвдан қочади,
Бул тўқайдан чиқа қўйсак, укажон,
Бизлардайин етим бахти қорани
Қоча билмай энди қора босади.

Ҳар жойларда сенинг кўнглинг хушлайман,
Сенинг учун хумор кўзим ёшлайман,
Айтганимни қила қўйсанг, укажон,
Сени бугун шу туядан ташлайман.

Қўлларингдан етаб²⁴ энди қочаман,
Қўрқма, иним, мен изингдан тушаман.
Қочсак энди биз бўлармиз шукун шод,
Кўзинг юмгин, бола, бўлма сен номард.
Дейиб энди Чавралой,
Ўзи эрди бақувват,
Юрагинда қайнаб дард,
Бул туядан инисин
Онда отиб юборди.
Иниси деган бечора
Думалаб ерга тушди.
[Пайтини] топиб қалмоқнинг
Ўзида энди ташлади,
Чавралой билан Фарруҳжон,
Гизланиб²⁵ энди тўқайда,
Ҳар қайсиси бир ерда,
Бир бутанинг тагида
Ухлаб роҳат олади.

Шунда қисинган, чарчаган болалар қаттиқ ухлаб
қолибди. Кўзини очиб Чавралой қараса, пешин бўлиб-

²⁴ Етаклаб.

²⁵ Яшириниб.

ди. Олти яшар иниси хеч ерда йўқ. Йўлга томонроқ юриб қараган эди. «Бул ўзбакнинг боласини найзага туйраб хумор келган ерда отиб ташлаймиз»,— деб ёши ўртага етган бир қалмоқнинг оти олдига олиб бораётганини кўрди. Ақлсиз бола уйқудан уйғониб, ўйнаб йўлга чиқиб қолган экан. Бир қалмоқ яна айтиб бораётир: «Изимизда қаровчи қолгани йўқ, қаровчининг сўнгги бизлар». Шул вақтда зулфини Чавралой олдига ташлаб, инисининг узоқ ёшини тилаб, «Инимга раҳм қилгай»,— деб бир-икки оғиз нолиш [қилиб турган экан]:

Халқни қириб қалмоқ кўнгли бўлди шод,
Иним ўлжа, менга келди қийин дард,
Елғизимга ёр бўлгада ўтганлар,
Отингдан айлансам Қозиял ҳожот.

Етим йиғлар ёв қўлинда зору зор,
Душманларга бўлиб кетдинг гирифтор.
Армон билан қолди энди опангиз,
Ер бўлгай сенга бир зулжалол.

Бошимга киймадим пўлатдай қалқон,
Бўлгайсан илоё Фарруҳжон омон.
Раҳм солгин шул қалмоқнинг кўнглига
Барчанинг эгаси қодир яратган.

Йиғлай-йиғлай бул тўқайда қоламан,
Жоним ширин, энди қайтиб бораман.
Ташлаб кетгай ёлғизимни қалмоқлар,
Муродимни мен тилайман оллодан.
Бул сўзларни айтиб ҳам,
Қалмоқларнинг кейнидан,
Узин энди паналаб,
Чет тўқай четини оралаб,
Чавралойжон боради.
Ул тўқайдан чиқиб ҳам,
Узини энди кўрсатмай,
Қалмоқнинг кейнидан қаради.
Шул вақтлари бўлганда,
Осмон билан талашган
Бир тепа кўринди.
Шул тепага борганда,

Уйлиб қалмоқ тўплайиб,
Қаргадай қилиб бир зотни
Отиб ташлаб қалмоқлар
Отни чопиб жўнади.
Бунни кўриб Чавралой,
Ичи ўтдай ёнади,
Манглайига уради.
Душман экан уйқу, деб
Қайта-қайта йилади.
Ул қалмоқлар кетганда,
— Не бўлганим бўлди, деб,
Ота-энам ўлди, деб,
Фарруҳжондай ёлғизнинг
Лоши чўлда қолди, деб.
Ўз элимда юрганда,
Мен ўйнадим, мен кулдим,
Бахт кетган кунинда,
Қизил гулдай мен сўлдим,
Ота-онадан айрилиб,
Ёлғизимдан айрилиб,
Бул дунёда не бўлдим.
Йиғламайин зору зор,
Кундан-кунга худоё,
Дунё бўлди бизга тор.
Шул тепага борайин,
Яқинлайин, таваккал,—
Дея энди Чавралой
Қаттиқ одим ташлади.
Ночор белин боғлади,
Ширин жонин қийнади,
Ярим кунлик йўлларин
Бир соатда олади.
Оқ тепанинг тағига
Чавралой етиб боради.
Борса энди Чавралой,
Оқ тепанинг остида
Кўрганнинг ақлин олиб,
Илон каби ўралиб,
Қизил қонга бўялиб,
Икки ўлик ётибди.
Икки ўлик ўртасида,
Ёлғизгина ёш бола
Бул ҳам тағин ётибди,

Қизил қонга ботибди.
Еш бўлса ҳам Чавралой,
Эди қизлар доноси,
Синча-синча қараса,
Отаси билан онаси,
Уртасида ётибди,
Фарруҳ отли иниси...

Қараса, қалмоқлар ота-онасининг бошларини кесиб олиб гавдасини ташлаб кетибди. Уртасидаги бола қимир этмай ётир, мисоли ўлик. «Инимни ҳам ўлдириб кетибди»,— деб отасини, онасини, инисини йўқлаб, овозини қаттиқ чиқариб йиғлаб, бир сўз айтиб турган экан:

Ешлигимдан тошди менинг армоним,
Мен кўтардим бир оллонинг солганин,
Ҳайбатингиз душманларни титратар,
Жон отажон, шуми сенинг бўлганинг?

Елғизингман, мен йиғлайман зору зор,
Туғилганман жон энамдан бемаҳал.
Халқлар учун қизил қонга бўялиб,
Қилнб кетдинг бу дунёни менга тор.

Евлар тортар сени кўрса омонди,
Келтирмадинг юртга яхши-ёмонди,
Халқим дейиб олтин бошинг кесилиб,
Жон онажон, лошинг чўлда қолганди(р).

От ўйнатиб эл деб кездинг дунёда,
Халқим деддинг, фарзандим демай менга,
Халқим дейиб сен айрилиб жонингдан,
Емтик бўлдинг қузғун билан қаргага.

Душманларни сен йиғлатдинг зору зор,
Элу халқинг ёвдан бўлди беҳабар,
Зангарнинг элини гулдай яшнатиб,
Устингда бўлмади бир тайин мазор.

Эркин кирмадим энам қўйнига,
Отам дейиб қўл солмадим бўйнингга,
Элу халқим дейиб энди, отажон,
Охиринда тушдинг душман тўрига.

Банда бўлар бир кун ер билан яксон,
Мол-дунёнгни қилди қалмоқлар талон.
Елғизингни олиб, ота, қўйнингга,
Мендан рози бўлгин, жоним онажон.

Улганингда даркор бўлибди бола,
Елғиз қолдим, тор келмайми бул дунё?
Учовингиз бирдай бўлиб қўшилиб,
Мен ҳам ёнингизда бўлгайман мўла²⁶.
Шул вақтлари бўлганда,
Оёқларин қўзғатиб,
Фарруҳ отли бул ўғлон.
«Опажон!»— деб ўрнидан
Тура солиб Чавралойнинг
Бўйнидан қучоқлаб олади.
Ўксиб-ўксиб йилади.
Ота билан онасининг
Имонини тилади.

Шул вақтда ўйланиб:— Э опа, не қиламиз?— деди.
Чавралой:— Эй иним, овулларда ёш болаларнинг ота-
оналари ўлса болаларни мозорга олиб кета турган
эди. Мен: «Бу болалар мозорда не қилади?»,— деб
онамдан сўрар эдим. «Отасининг устига тупроқ таш-
лайди»,— деб айта турган эди. Сен чўп, ёвшон териб
кела бер, мен тош олиб келайин, ота-онамизнинг гўшти-
ни қарға-қузғун емасдай қилиб тош-тупроқ тўкайлик,
бизларга ўликлари тилак этар,— деб айтгандан бола
жўшиб кетиб, қучоқ-қучоқ чўпларни отасининг устига
боса берди. Чавралой этак-этак тошларни тўка берди.
Иккисига кичкина тепадай қилиб уйиб ётиб, кун чиқ-
қанча ухлаб қолдилар. Уйғониб, ўрнидан Чавралой ту-
риб инисининг қўлидан ушлаб, ота-онасига қараб, бир
сўз айтиб, қичқириб йўқлаб турган экан:

Биз бўлмадик ўн тўрт яшар баркамол,
Бошингдан кетгидай қайғули туман,
Рози бўлинг фарзандингдан, онажон,
Энди менга қайда сендай меҳрибон!

Улигингга куйиб-куйиб ёнаман,
Муродимни мен тилайман оллодан.

²³ Қабр.

Орқамиз тўқайдир, олдимиз чўлдир,
Жон отажон, энди қайда бораман?

Етим бўлиб болаларинг ёнади,
Душман бўлган айролнқни солади.
Икки етим энди сендан айрилиб
Фарзандларинг энди қайда боради?
Бул сўэларни айтганда,
Девдай бўлган саси бор,
Кўрмаганга қаси²⁷ бор,
Аждарҳодай ақириб,
Айнқдайин чақириб,
Елғиз отли келади.
Чавралойжон қаради,
Келмасндан ул баззот,
Аждарҳодай чирпнннб,
Болларнннг ақлин олади:
Шул вақтлар бўлганда,
Чавралойдай бечора.
«Не гуноҳим бор эди,
Оғажон»,— деб ул одамга
Бир-икки оғиз сўз айтиб,
Ул одамни юмшатиб,
Уксиб-ўксиб йнғлади:
Бизнинг элдан оқди жўя-жўя қон,
Ҳайбатингдан тебранди ер билан осмон.
Елғончида не гуноҳим бор эди,
Заҳринг солма айналайин, оғажон.

Илоё сизга қарагай давлат-бахт,
Сулаймондай сиз мингайсиз олтин тахт.
Олар бўлсанг, ол, оғажон, жонимни,
Манглайимдан суяр ога-иннм йўқ.

Бизга сен қиласан ҳайбатли забон,
Улдирар деб бағрим бўлди менинг қон,
Етимни сийлайди ҳақнинг бандаси,
Юрагимни эза берма, оғажон.

Ҳижр ўтидан куйиб-куйиб ёнайин,
Сеннинг учун жоним ўтга солайим,

²⁷ Қасди.

Еки ўлдир, ёки кулдир, ўзинг бил,
То ўлгунча хизматкоринг бўлайин.

Шул вақтда мийиғин тортиб кулиб:— Э қизим, бери кел,— деб қўлини узатиб Чавралойни от орқасига олиб ташлади, Фарруҳининг қанотидаи тутиб олдига олиб бадар жўнаб кетди. Жўнаб бораётиб ўзининг қароқчилигини, отининг тулпорлигини таъриф этди:

Эй болалар, болалар,
Менинг отим Ойтуғар,
Неча-неча подшога,
Солдим энди қайғу зор.
Хонининг овин овладим,
Ғарибнинг довин довладим.
Чопдим йўлда карвонни,
Қутқармадим дунёда
Чўпон билан сарвонни,
Ев олди, деб эшитдим
Зангар дегаи қалани.
Ўлжа қилайини, дейиб
Бориб эдим ул ерга,
Тополмадим мен кезиб
Кўнглимдаги дунёни
Элтак²⁸ ота етказди
Сенингдай икки болани.
Туркистоннинг шаҳринда,
Сарбозорга солганда,
Етимман деб йилама,
Кўз ёшингни бўлама.
Тос ўлдириб кетаман,
Сенингдай жувонмаргни
Йўқ этаман дунёдаи;
Ўлжа сотмоқ ҳунарим:
Миндим отнинг белига,
Намоздигар бўлганда,
Туркистоннинг шаҳрига —
Етказди тулпорим,
Юм кўзингни, юм!— дейиб
Отга қамчи босади.
Кўзин очиб Чавралой:
— Чўри дейиб, қул дейиб,

²⁸ Уғрилар пирри.

Кимлар бизни олади,
Жонни ўтга солади.
Йиғлата бердинг, худойим
Мендай бахти қорани.

Тоғ устига чиқади
Золим энди Ойтуғар,
Паноҳ бергай худой, деб
Зор йиғлайди болалар.
Тоғдан тушиб келади,
Тўқай пайдо бўлади.
Ул тўқайни ёғалаб,
Йўл тополмай сизгалаб,
Бир ўнгирга борганда,
Чиқиб қочди бир қуён,
Сакраб кетди бул ҳайвон.
Шул вақтда тоғ устидан
Қанотин ёйиб Ойтуғар
Ўнгирга қараб боради,
Кўнгли тошган баччағар,
Нимта-нимта бўлади.
Ул эгарни қучоқлаб,
Фарруҳ отли ёш бола,
Отда омон қолади.
От устидан йиқилмагай
Менинг укажоним деб
Чавралой кетиб боради.
Бир текисга борганда,
От устидан болалар
Ўзин ерга ташлади.
Қароқчининг ул оти
Ўз бошига кетади.
[Кўз юбориб] Чавралой
Ён-ёнига қаради,
Ул туқайнинг ичида
Пншган мева кўради,
Шунда боллар қувонди.
Писта-бодом жой экан,
Оч қолган ёш болалар
Роқатланиб қолади.

Болаларнинг юрган жойи, тушган ери Туркистон деган ер эди. Туркистонда Хидирбой деган бир бой бор

эди. Унинг бир хотини бор эди. Қоракўз ойим дер эди.
Хидирбойнинг минг йилқиси бор эди. Бир фарзанднинг
зори эди.

Деҳқон тутсам, пул кетар,
Емагига нон кетар,
Дунё деган жон кетар,—

деб бир ола байтални миниб, қўриғин қўлига олиб,
айиқдай ақириб, «Қур, қайт»лаб йилқиларини чақириб
қистаб ҳайдаб келаётир эди.

Чавралой укасин ушлаб,
Хумор кўзини ёшлаб,
От олдидан чиқиб қолди.
Ола байтал кетди сакраб,
Хидирбой қолди йиқилиб,
Бир вақтлари Хидирбой
Кўзин очиб қараса,
Икки бирдай ёш бола
Хидирбойнинг бошини
Ўтирганди кўтариб,
Хумор кўзини ёшлаб,
Болаларни етим кўриб,
Бир-икки сўз айтди бошлаб:
Мен йиғлайман фарзандсизликдан зор-зор,
Йиқилганда дунё бўлди менга тор.
Фарзандимдай сиз бошимни қучоқлаб,
Қандай зотсан менга бўлган ховондор?

Қилмишингга мендай отанг қувонар,
Фарзандсизман дунё бўлди менга тор.
Тўққанимдай қучоқладниг бошимни,
Асли зотинг жон гўдаклар ким бўлар?

Ажалим етганда урмасми хазон,
Бошимдан кетади бир куни даврон,
Асли зотинг баён айла, ёш бола,
Тўққанимдай менга бўлдинг меҳрибон.
Олисдан кўринар тоғнинг дараси,
Иссиқ бўлар одамзоднинг сояси,
Менга бўлдинг йиқилганда ховондор,
Сен бўласан қандай халқнинг боласи?

Шул вақтда Чавралой Хидирбойнинг бошини ушлаб,
кўзини ёшлаб, Болтакайнинг боласи экайини бир-бир
баён қилиб, Хидирбойга бир-икки оғиз жавоб айтди:

Айналайин, огажон,
Кўнглимда бор кўп армон.
Етим қолиб дунёда,
Бизлар бўлдик хўп сарсон
Зангар деган қала бор.
Подшосининг отини
Ул Бобохон дейдилар.
Бобохоннинг шаҳрида,
Сазоқли деган кўлинда,
Кўп ўзбакнинг элинда,
Отам эди Болтакай,
Энам эди Бўлакай,
Ота-энадан айрилиб,
Мен бир саккиз ёшимда,
Иним олти ёшинда,
Отанга лаънат қалмоқнинг
Оги экан Қирайхон,
Вазирида Мулкамон;
Ҳам отамни ўлдириб,
Ҳам онамни ўлдириб,
Подшомизни ўлдириб,
Мурти оғзига ёйилган
Не бир золим қалмоқлар
Ўлжа қилди бизларни.
Ота-онам лошини,
Овуртма қиб юклаган
Қора норга миндириб,
Аямади Қирайхон,
Юртни қилди вайрон.
Ота билан онасиз,
Ўлжа қилиб бизларни
Олиб келётган вақтда
Бир тўқайнинг ичинда,
Хумор кўзни ёшладим,
Қалин бута келганда,
Шул инимни ташладим,
Ўзимни-да ташладим,
Ғизланиб ётдим ўрмонда.
Иним деган бечора

Уйнаб чиққан йўлларга,
Тутиб олиб бир қалмоқ
Олиб кетиб кўп маҳал,
Иним йиғлаган зор-зор.
Ота-онам лошини
Ташлаган ерларга
Қанотидан даст тутиб,
Уни-да отган қалмоқлар.
Иним изидан мен келиб,
Ед айладим пиримни,
Тарқатганман черимни.
Топибгива олганман,
Эр Фарруҳдай инимни,
Отам билан онамнинг
Лошларининг устига
Тош билан ёвшонни
Тоғдай уйиб тургандим,
Ҳайбат чекиб келганди
Шаклсиз бир одам.
Тортиб олди отига
Иним билан иккимизни.
Эшитмади додимизни,
Югрук экан тулпори,
Олиб келди бизларни
Туркистоннинг юртига.
Оти ҳуркиб қуёндан,
Ул бир одам йиқилди.
Бизлар тушиб қолган сўнг.
Қочиб кетди тулпори
Писта билан бодомни
Тўйиб едик шод бўлиб,
Тарқатдик биз хуморни.
Отам билан онам йўқ,
Борай деса ж уйим йўқ,
Қиймагимга кийим йўқ.
Бул тўқайининг ичинда
Йиғлаймиз зору зор,
Савоб учун, жон оға,
Бўлсанг бизга ховондор.

Шул вақтда Хидирбойининг кўнгли эзилиб, чиройи
бўзилиб, ранги сўлиб, ўпкаси тўлиб, фарзандсизлигини
айтиб, менга фарзапд бўлинглар деб айтган сўзи:

Бул сўзингга, болам, бўлди кўнглим шод,
Фарзандсизман юрагимда ўйнар дард,
Мен билмайман мол-дунёнинг сонини,
Туркистонда ўтлик бизлар бефарзанд.

Ажалнинг догидан қиламан омон,
Бефарзанд банданинг охири вайрон,
Мол-дунёнинг йўқдир энди эгаси,
Фарзанд бўлсанг сизлардан мен розиман.

Тарқатдингиз сўзлаганда черимни,
Бир кун хазон урар менинг гулимни,
Сизлар бўлинг мол-дунёнинг эгаси,
Олиб кетай уйга, болам, сизларни.
Бул сўзларни айтганда,
Тикка турди Чавралой,
Тикка турди Фарруҳхон
Таъзим қилди шул замон.
Қабуллади сўзини.
«Ота, сиздан розиман», деб
Бўйнидан қучоқлаб
Хидирбойдай бул бойнинг.
Уксиб-ўксиб Чавралой
Қайта-қайта йилади,
Кўз ёшини бўлади.
Етаб олиб байтални,
Хидирбой билан Чавралой,
Фарруҳ билан учови
Кунлар пешин бўлганда,
Чангароғи дандондан,
Керагаси яна олтин,
Уқлари яна олтин,
Узуклари яна олтин,
Қувдай бўлган таралиб,
Турган энди ўтовга
Олиб кирди Хидирбой
Икки бирдай болани.
Қоракўздай олгани,
Қоқиб тўшак солгани,
Бир-икки оғиз сўз билан,
Болаларнинг ёғдайин²⁹

²⁹ Ҳолини.

Ул бойиндан сўради:
Бой Хидирбой, эшит менинг сўзимни,
Жин урдими чолим, сеинг ўзингни,
Етимларни йиғнаб эиди ёнингга,
Топилмайми эга сеинг молингга?

Ҳижр ўтидан ошиқ бўлган ёнади,
Утира қўйса бити жаҳонни олади,
Не қиласан бунда етим болани,
Болаларинг энди қайдан бўлади?

Шул вақтда Хидирбой:— Олло берган болаларим,—
деганда Қоракўз бир гап айтган экан:

Боллар бизнинг тоғнинг оққан жираси,
Олтин бўлар ковушимнинг тақаси.
Ботмон тариқ қуйсанг бири тушмайди,
Эй Хидирбой, булар кимнинг боласи?

Емон бола йўқ қилмайми обрўйинг,
Устининг киридан қиламан войим,
Бундай боллар бир кун тўкар обрўйинг,
Етимни судралаб менга келасан,
Очилмаган энди менинг талойим.

Боғда сайрар булбул туриб мўрғизор,
Улоқни сақласанг оғзинг мой бўлар,
Етимни сақласанг оғзинг қон бўлар;
Етим кетсин, бой Хидирбой, йўлига
Бир кун солар булар сенга қайғу зор.
Бул гапларни айтганда,
Қоракўз отли паризод;
Қоракўздай орувнинг
Айтган сўзи бўлади
Хидирбойга ёмон дард.
Шул Хидирбой ўрнидан
Турганини билмади,
Товлаб олиб сочидан,
Қўрнқ билан ёрини
Урганини билмади.
Бойнинг кўзи ёнади,
Керилиб қўриқ солади.
Хидирбойнинг қўриғи
Тўрт бармоқдан синибам,

Иўғон ери қўриқнинг
Қўлинда бойнинг қолади.
Биров келса ёнига,
Манглайига уради.
Улиб бораётганидан
Қорақўздай сарвиноз
Манзур дейиб йилади.

Манзур деб йиғлаб турганда, Хидирбой болаларни таъриф қилиб, айтгани:

Туққан эли ул Зангарнинг қаласи,
Айролиққа бўлмас ҳеч ким чораси,
Донги кетган шул оламнинг юзига,
Буни билсанг Болтакайнинг боласи.

Фарзанд бўлар ғўч йигитнинг муроди,
Етимнинг кўп бўлар дунёда дарди,
Буларга тегибди фалак шаппати,
Аслин сўрсанг, мард полвоннинг фарзанди.

Бўлакай энаси дунёда жонон,
Ундай оров туғмас эди онадан,
Туққан қизи манов турган Чавралой,
Етимлик бошинда, бўлибди армон.

Туркистон эллари шундай фароғат,
Бир куни бошимдан кетганда давлат
Мол-дунёдан сабаб билан айрилиб,
Бўлганинга қилибмнди энди шарт.
Бундай ишни кўрсатганда яратган,
Золимлар айирган ота-онадан,
Етимларда қандай бордир хосият,
Феълингдан фарзандсиз ўтднг сен чаён.
Деб энди Хидирбой
Қозонга сувни солади.
Бир ўрдани бўшатиб,
Қасмоқ, қонин ювдириб,
Болаларга Хидирбой
Асл кийим кийдириб;
Фарруҳ деган болага
Олтинданди (р) зар қалпоқ.
Чопонлари атласдан,
Яхши кийим кийдирди.

Қўй-қўзининг этига
Сўйдириб энди тўйдирди.
Уч кун ўтди орадан,
Чавралойнинг юзига
Жаҳон одам қарайди.
Бундай сулув болалар
Дўрарми* деб онадан.
Бир-бирдан одамлар
Таъриф қилиб болларни
Шарофат қилиб сўрайди.
Хидирбойнинг изига
Ўғил ияриб юради.
Қоракўзнинг изига
Қизи ияриб юради.
Тўй-маъракага борганда,
Халқлар ҳайрон қолади.
Тарбиялаб болларни
Қоракўздай сарвиноз
Улкан обрў олади.
Егани емиш бўлган сўнг,
Фарруҳ билан Чавралой
Долдай ўсиб боради.
Фарруҳ деган ёш ўғлон
Сарией билан милтиқни
Куни бўйи ўйнади.
Тўққиз ёшга келганча
Фарруҳ ўзи ёнига
Қирқ болани йиғнади.
Қирқ бола билан қўшилиб,
Ҳам мактабга боради,
Ҳам мактабдан келади.
Ун бир ёшга келганча,
Ақлли эди Фарруҳжон,
Турли илм олади.
Ун икки ёшга келганча,
Фарруҳ олим бўлади.
Чавралойдай онаси
Қила берди тарбият,
Отаси қилди тарбият,
Онаси қилди тарбият,
Кундан-кунга етилиб,

* Тугиларми.

Оёқлари бешикдай,
Умирови эшикдай,
Билаклари тўқмоқдай,
Яғринлари қопқоқдай
Бўлиб энди Фарруҳжон,
Уса берди дунёда.
Тўй-маърака бўлганда,
Ҳар бир полвон келганда,
Чиқиб энди курашга
Полвонлар белин синдирди.
Отлар миниб Фарруҳжон,
Яроқ осиб эгнига
Ҳар бир босқинчи ёвдан
Туркистондай элини
Фароғат қилиб тиндирди.
Бўлди ботир ҳам полвон,
Ун тўрт яшар ёш ўғлон.
Дийдорига қарасанг,
Хурнинг қизи шекилли,
Бунингдай сулув йиғитлар
Ҳеч туғмайди онадан.
Фарруқ деган боланинг
Донги кетди жаҳонга,
Машҳур бўлди Туркистон,
Шул вақтдаги замонда.
Эндиги сўзни эшитинг,
Саврон-Сайрам эллардин.
Тўлап сорт, Тўқли Бивак
Сирри сорт, Сари сорт
Деган қароқчи бор эди,
Йиғилишиб қирқиси,
Чин-Мочини йўллариди,
Йўловчини талар эди.

Шул қароқчилар бир кун йиғилиб ўтириб:— Орамизда сулув баччалар йўқ, севиб ўйнашувга қизлар йўқ, — деганда, Тўлап сорт Фарруҳни таърифлаб, қароқчиларга бир сўз айтди:

Арзим эшит, қулоқ солгин, қирқ йиғит,
Бул чўлларда юрагимда кўпдир дард.
Туркистон элинда бордир бир ўғлон,
Ҳар кўрганда бўлар кўнглнм энди шод.

Отасидир унинг энди Хидирбой,
Фарруҳ дейди боласининг отини,
Кўрсангиз йигитлар сулувлигини,
Мисли ўн тўрт кунлик туққан ой.

Қирқ боласи борди(р) онинг қошинда,
Ўзи энди ўн тўрт — ўн беш ёшинда,
Бир ўтганда кўриб эдим мен тонглаб
Ҳар кун мен ёнаман унинг ишқинда.

Бир кун қазо етиб гуллар сўлади,
Бу дунёлар энди кимдан қолади.
Олиб келсак Фарруҳ отли ўғлонни,
Эй йигитлар, энди қандай бўлади?

Шу вақтда Тўқли Бивак мўлиғиб ўлтириб эди, тик-
ка ўрнидан туриб, ёнбошига бирни уриб, бу боланинг
туққан жойини биларман, деб йигитларга қараб бир
сўз айтди:

Кезганимиз ола тоғнинг даласи,
Одамзоднинг бизга етмас чораси,
Мен биламан ул ўғлоннинг аслини,
Сардоқлида Болтакайнинг боласи.

Қалмоқ чопиб эли бўлганда вайрон
Халқига қалмоқлар солганда қирон.
Ўлжа қилиб ул Фарруҳдай болани,
Бойга сотган ул йўловчи бир карвон.

Мен сўйласам бориб, ақл каради,
Отасини айтсам, яхши кўради,
Отасининг дўстиман деган вақтда,
От-яроғи билан ўзи келади.

Ётимлик одамга дунёда ёмон дард,
Дўстиман отангнинг десам булар шод.
От-яроғи билан келиб ёнимга,
Ўлганча қилади бизларга хизмат.
От ўйнатиб Туркистонга борайлик,
Юринг, беклар, қилманг энди маслаҳат,
Шул вақтда ўғрилар
Отларга эгар солади,
Бир-бирига қаради,

Ул қўш — чайлага золимлар
Бир майибин ташлади.
Шум туёқ эди Тўлап сорт,
Шунда йўлни бошлади.
Қудаликка бораётгандай,
Қўшиқ айтиб золимлар
Обдон вақтин хушлади.
Уч кундайн йўл юрди,
Оз юрса-да, мўл юрди.
Туркистоннинг четиндан
Евдай бўлиб киради
Бу не лашкар, бу не, деб
Халқлар қайрон қолади.
Хидирбойнинг ўрдасига
Тўғри билан тўталаб
Онда кетиб боради.

Утов қораси кўринди. Фарруҳ олтин соққа қўлинда қирқ бола билан «чизди», «тузди» деган ўйинларни ўйнаб туриб эди. Бир бола ялт қараб қирқ отли золим қароқчиларни кўриб:— Ана келди!— деб тасирлаб қочди. Қирқиси ҳам қирқ бутанинг тагига кириб йўқ бўлди. Фарруҳ қочмоққа номус қилиб, нордай қайқайиб туриб эди, бирдан қирқ қароқчи от қўйиб юбориб, кела солиб тўртов — бешови ёқасига қўл солиб, отга тортар бўлди, Фарруҳнинг бир оёғи-да қўзғолмади. Тўқли Бивак қўлнда бухори қамчи:— Отга мин!— деб бир марта урди, Фарруҳ қўзғолмай турди; икки марта урди, қўзғолмай турди, уч марта урган вақтда Фарруҳ арслондай бир ақриб юборди, зарраси ёрилиб, қирқ қароқчи қирқ тарафга қочди. Тўқли Бивак Фарруҳнинг қўлига тушди. Бир қўли билан тортиб уриб, сийнасига миниб, ўз ханжарини ўзига тортар бўлди.— Омон бер!— деб Тўқли Бивакнинг айтгани:

Қўзимдан оқизнинг сен қомли ёшди,
Қочмоққа қилгансан, болам, номусди,
Кесма менинг боғдай бошим жон Фарруҳ,
Отим Тўқли — бўламаи отангнинг дўсти.

Синаб келдим мардмикан деб ёнингга,
Синаб қамчи урдим сенинг таяннга,
Тортиб урдинг, илвонлигинг мен билдим,
Қулоқ сол, болам, менинг бу зоримга.

Ҳар бир сўзни айтди менга йигитлар,
Сени тополмайин бўлдим дарбадар.
Бўлажак ишни айтиб эди отангиз,
Келдим мен бўлай деб сенга ховондор.

Мени сўйсанг сен ичарсан қизил қон,
Юртинг эмас манов юрган Туркистон,
Наснҳатим бир-бир баён айлайин,
Мард экансан, айтдирдинг менга омон.

Ичимда ўт, куйиб-куйиб ёнаман,
Сенинг учун жоним ўтга соламан,
Менинг билан қўшилиб борсанг қалмоққа,
Отанг қонин, жоним болам, оламан.

Адашганда энди кенгаш бераман,
Дўстим учун розиликка ўламан.
Мард деб келдим сенинг энди қошинга,
Буни билгин синаб қамчи ураман.

Отанг эмас сенинг энди Хидирбой,
Кийим кийсанг қирқ минг айтар энди вой;
Мард бўлибсан сен ёлғончи дунёда,
Эр бўлибсан отанг қонин олгандай.

Оқирдинг-ку, иззат этмай ёшимни,
Кўрдим бугун билагингнинг кучини,
Қирайхоннинг болам, кесиб бошини
Қалмоқлардан олгин отанг ўчини.

Қалмоқларга ўлжа бўлган сизнинг эл,
Мард экансан бул жаҳонда, ўзинг шер,
Ўлганимча хизматкоринг бўлайин,
Ёки ўлдир, ёки кулдир, ўзинг бил.

Фарруҳнинг юраги бўшаб кетиб: «Отамнинг дўсти экан, олиб бориб манзур айтайин, хизмат этайин, сарпо ёпайин»,— деб уялган шекилли бўлиб, бошидаги чугирмасини бир ердан топиб олиб қоқиб-силкиб, юр, ота, ўрдага деганча, Тўқли Бивак отига миниб қочиб, бир танобдай кетиб қолди.

Эндиги сўзни ёронлар,
Бул Тўқлидан эшитинг.

Отига миниб каллағар,
Шул вақтинда қочади.
Бало кўрган итлардай.
Тўқлини қора босади.
Кейнига қарамай,
Анда кетиб боради.
Фарруҳ деган ёш бола:
— Кайт ҳа, ота, қайт!— дейиб
Изидан шовқин солади.
Фарруҳ деган ёш ўғлон
Кўрннади шул вақтда.
Тўқлидай бахти қоранинг
Азронлдай кўзига.
Қулоқ солмай сўзига,
Қарамайди изнга;
Бояги қирқ қароқчи,
Қочиб кетиб қолибди.
Отин ўйнатиб бу Тўқли
Дўстларин қувиб боради.
Шу кетгандан қароқчилар
Отин чопиб кетади.
Бир манзилда зўрға,
Изидан Тўқли етади.
Етган вақти Тўлап сорт
Жимиб-кулиб Тўқлига
Кўз юбориб қаради,
Тўқли шунда сўйлади:
Ҳой, Тўлапдай жўражон,
Фарруҳ деган одаминг
Ақлда битган доно экан.
Бола-бола деб эрдинг,
Бола-бола деганинг,
Кўзи қизил бало экан.
Ҳар бир ўғлонни кўрсам,
Юрагим ўтдай ёнади.
Тортиб урган вақтинда,
Менинг бошим шилқ этди,
Топа кўрма, жўражон,
Бунингдай шумлик балони.

Тўқли қирқ йигитнинг изидан ҳовлиқиб-энтикиб етиб
борди. Эндиги сўзни Фарруҳдан эшитинг:

Фарруҳ уйига келганча,
Ҳар бир қилар ишим бор,
Шердай менинг кучим бор.
От-ярогим бўлса агар,
Душманга соларман қайғу зор.
Отаминг қонин олиб,
Руҳларин қилай мннатдор.
Опам ёнига бориб,
От-яроғни сўрайин.
Бу дунёни нетайин,
Душманга мен кетайин,—
Деб мугойиб опасининг
Одоб билан ёнига
Борибгина ўтирди.
Чавралойдай опаси
Инисига қаради:
— Не камлик келди,— деб
Сенинг, иним, кўнглинга,—
Инисидан сўради:
Очилмаган минг гулимдан бир гулим,
Полвонликдан йўқдир дунёда мининг,
Сен мугойдинг, ўтлар тушди жонимга,
Кўнглингадаги армонингни айт, иним.

Саваш қилсанг жўя-жўя оқар қон,
Жаҳонда бандага айрилиқ ёмон,
Ёмонларнинг сенга тили тегдими,
Не сабабдан мугоясан Фарруҳжон?

Йиғлай-йиғлай оқди кўздан қонли ёш,
Сендан бошқа йўқдир менда ҳеч йўлдош,
Йигитлик асари тушиб бошинга,
Неларни айладинг дунёда ҳавас.

Сўзлашмоққа йўқдир бунда қадрдон,
Елғиз от юганда, чиқмас кўкка чанг.
Кўнглингадаги мурудингни қилайин,
Сенинг учун жоним фидо Фарруҳжон.

Шу вақтда Фарруҳнинг ота-онаси, қавми-қариндош-
лари ёдига келиб:— Менга араллар*дан «Қирайхон

* Пирлар.

шаҳрига борсанг, қалмоқни оларсан»,— деган хабар келди,— деб опасига айтиб турган сўзи:



Мен тушмайман нозли ёрнинг ишқига,
Елгизлик тушмайди менинг бошимга,
Ётиб эдим бир кун энди мен ухлаб,
Кўп одамлар кирди менинг тушимга.

Рухсат болам сенга, дейиб боболар,
Шаппат урди саҳар вақти ўзимга.
Қилибман душманнинг қонига ҳавас,
Қирқ минг пари кўринмайди кўзимга.

Фотиҳа олиб мен йиғладим зор-зор,
Амир билан:— Отлан!— деди боболар,
Белима боғласам кескир қилични,
Тулпор отга бўлдим, опажон, хумор.

Шунда бўлар Фарруҳжоннинг кўнгли шод,
Савашни кўрмасам, ўзим номурод.
От-яроғни топиб берсанг, опажон,
Уч олмоққа кетаман бергин, рухсат.

Шул вақтда Чавралой инисига қараб:— Бир куни тоза ётиб тушимда бир воқеалар кўрдим. Кўзимдан оқди қонли ёш, сен эмассан бе йўлдош, ғойибдан бир оғанг келиб, халқингни олиб, бўлар вақтинг хуш; кетсанг, бора кўрма қирқ қароқчи қошига, менга бўлар эллардан кўп номус,— деб онаси Қоракўзнинг қошига бориб, инисига от-яроғ сўраб бир сўз айтган экан;

Арзим эшит, айналайин, онажон,
Инимиз бўлибди энди баркамол,
Бедов отни берсанг энди остига,
Шунқор қушни олиб энди қўлига,
Туркистон элинда сурмоқчи даврон.

Бола қилар от дейибам энди зор,
Бола учун йиғналмайми дунё мол,
От-яроғни болангизга берингиз,
Ботирлик илминин ҳар кунин ўйнар.

Қоракўз буни эшитиб, сачраб ўрнидан туриб, вақти хуш бўлиб, кўнгли жўш уриб, четга қурилган оқ ўрда-

нинг нчида ўтирган Хидирбойнинг қошига бориб, Фарруҳга от-яроғ сўраб, бир сўз айтади:

Ошиқликда фидо бўлган бу жоним,
Эшитингиз фарзанднингнинг армони,
От мнишни энди ҳавас қилибди,
Фарруҳ отли ботир туққан султоним.

Яхшиларнинг юрган ери лозазор,
Боласи от минса, ота қувонар,
Мурод қилиб келдим сенинг ёнингга,
Султонимга бера кўргин бир тулпор.

Қўлида қарчигай тоғларни кезар,
Ўзи ёш-ку, тиламайди ҳеч гўзал,
Тўқайда онглари отиб фарзандинг,
Ўзи ботир-полвон душманин эзар.
Мен қилганман сенга келиб бул зорни,
Ўғлингиздан айтиб келдим хабарни,
Бу гапларни Қоракўз
Анда айтган вақтинда,
Бойнинг турқи бузилди.
Оғзидан ўтлар сочиб,
Қоракўз ёрига сўзлади:
— Олдимда Туркистон тоғи,
Кетмасин йигитнинг боғи
Бермайман мен отимни,
Тура кетгин шаллоқни.
От дейиб келиб ёнимга,
Ўтлар солма жонимга.
Агар отни олганда,
Жўнаб кетар Фарруҳжон,
Қароқчининг ёнига.
Мендан туққан боламас,
Емонлар билан қўшилиб,
Ақлсиз энди болангиз,
Тўра бўлайин деган
Қўрадаги молимга.
От минганча, терс минсин,
Тура кет ёнимдан,— деб
Таёқ билан бир уриб,
Қолди энди Хидирбой.
Қоракўздай ойимнинг

Кўзи ўтдай ёнади.
Бежой теккан таёққа,
Чўрчиб тушиб бечора
Чавралойга боради:
Эй Чавралой, Чавралой,
Улим бергир отангни
Олса бўлмайми худой.
Дунё молнинг борини,
Гўрига олиб кетади.
Таёқ билан бир урди,
Мен энангни ўнгдирмай.
Сўраганим гўрковдан
Фарзандимга ёлғиз той.
Мумсик бойни нетасан,
Узинг бормасанг энди
Шул отангнинг ёнига,
Болачи хафа этасан.
Дейиб энди Қоракўз,
Уксиб-ўксиб йиғлади.
Буни эшитиб Фарруҳжон,
Опасига мард қараб,
Қирқ ўрим сочдан тутиб
Бир жавобни айтади:
Етимликдан куйиб-куйиб ёнаман,
Обру дейиб жоним ўтга соламан,
Тургин, опа, тезроқ энди ўрнингдан,
Сени энди сарбозорга соламан.

Отсиз энди мен опани нетаман,
Жон отамнинг қонин излаб кетаман,
Сарбозорга олиб бориб, жигарим,
Сени энди от-яроққа сотаман.

Аралларнинг етагига ияраман,
Узим полвон насибамдан кўраман,
Рози бўлсанг айланайин, опажон,
Тургил энди от-яроққа бераман.

Йигит олар душманидан орини,
Ҳақ эшитсин гўч йигитнинг зорини,
Сен борингда менинг энди қайғум йўқ,
Мен нетайин судхўр бойнинг молини.

Сени олиб борсам беради тулпор,
Бойнинг моли бизга эмас муяссар,
Олиб кетсам ўсроқ отин бу бойнинг,
Ўла қўйсам ажал етиб ёвларда,
Қиёматда мен бўларман қарздор.

Чавралой ақлли, доно, бардошли қиз эди, айтди:
— Э, иним, сабр қил, болалик қилма, Хидирбойни
бегона кўрма. Кўп тузини единг, хизматин қилдинг.
Тузнинг ҳақи-ҳурмати оғир бўлади, отанг қирқ қароқ-
чидан хавф қилиб, сенинг сирингни билмай айтган чи-
қар. Мен ўзим борайин,— деди.

Шул вақтинда Чавралой
Ирғиб туриб ўрнидан,
Зар кўйлагин княди.
Зардор қалпоқ бошинда,
Ҳеч кимни олмай қошига,
Қил илондай буралиб,
Қизил гулдай дўланиб,
Товус каби тараниб,
Одимин астадан босиб;
Сулув эди Чавралой,
Мард полвонга муносиб.
Отасининг олдига
Бориб салом беради.
Отаси деган бечора
Кел-кел, болам, кел, деди,
Яхши ҳурмат қилади.
Ҳов, Чавралой, фарзандим,
Не сўз билан келдинг,— деб
Ҳол ёғдайин сўради.
Чавралойдай паризод
Ота, арзим бор,— дейиб
Шул вақтинда йиғлади,
Қўзининг ёшин бўлади.
Бир гап айтиб Чавралой
Хидирбойга зорлади:
— Арзим эшит, айналайин, отажон,
Бобомнинг отидир Арслонтўй полвон.
Отам оти эди ботир Болтакай,
Ҳайбатидан зор айлаган кўп душман.
Қазо ўқи жон отамга қадалиб,
Бизлар бўлдик Туркистонда саргардон.

Ийгламай, нетайин, ота, қилиб зор,
Ботирлар қилади савашни хумор;
Отамизнинг бобосй берибди хабар,
Иним бир от-ярог дейиб зор йилар.

Мардларни эшитса, келмайди ёмон,
Ғайрати жўшиб келиб энди Фарруҳжон,
От-яроғни болангизга берингиз,
Ҳар бир ишни ўйламангиз, отажон!

Хидирбой:— Эй қизим, мен ҳам боладан беҳабар эмасман. Қирқ қароқчи билан инингиз учрашибди, кета қўйса болам зое бўлар,— деб мен чекаман қайғу зор. Минг йилқим бор. «Қирқда Хизр, мингдан тулпор», — деган бир сўз бор. Икковимиз отланайлик, Фарруҳга бир тулпор топилар:

Дейиб энди Хидирбой
Сакраб туриб ўрнидан
Сайислар боққан йўрғанинг
Олтиндан безаб устини
Чавралойга келтирди.
Фарруҳ-да минди бир отга,
Олабайталга Хидирбой
Қайқайиб миниб олади.
Бир отнинг жабдуғини,
Йўрғаларга ўнгариб,
Уччовлари қўшилиб.
Қулонёр деган сойларга,
Жастирноқ деган қишлоғга*
Бориб энди Хидирбой,
Болам, синов сол дейиб,
Чавралойни тушириб,
Ул булоқнинг бошида,
Чодирни қуриб Хидирбой
Йилқига шовқин солади.
Норбия билан сур бия,
Тортиб чиқиб отларни,
Жастирноқнинг қишлови,
Ургатгандай жонворлар,
Бирин-бирян боради.
Полвон қиз эди Чавралой,

* Подачиларнинг қишда яшайдиган жойи.

Ҳар бир отлар ўтганда,
Қуйруқдан тортиб қолади.
Бир минг йилқи ўтганда,
Сепкил тушган бетига,
Оқлар тушган кетига,
От энди ўтдим деганда,
Чавралойдай паризод
Қуйруқдан товлаб олади.
Отнинг ул қуйругини,
Билакка ўраб олади.
Чап қўл билан тулпорнинг
Саврасига қиз ночор,
Бир шаппатни солади.
Қанотли экан жонивор,
Қушдай учиб ҳавога,
Аста бориб булоқнинг
Бошига тушиб жонивор
Гуркираб бир кишнади;
Фарруҳдайин бул ўғлон
Нўхта олиб борганда,
Фарруҳжонни искади,
Искай бериб жонивор
Қайта-қайта кишнади.
Нўхтани солиб бошига,
Бахмалдан беллик солади,
Зарбопдан терлик солади.
Ипакли жилов солади,
Олтинли эгар ташлади;
Гўдари айил тортади.
Хидирбой ҳам келади,
Отни айланиб кўради.
Насл қолдирмай кетдинг
Жонивор, деб Хидирбой
Бошини чайқаб туради.

Энди сўзни Хидирбойдан эшитинг:

Арзим эшит, Чавралойдай жон болам,
Бировдан кетибди қайғусиз даврон,
Неча йиллар келиб энди қўшилди,
Бул жонивор тулпоримга ғойибдан.
Тутқизмайди ўзи дунёда тулпор.
Насл ола билмади ҳеч бир биялар.
Миниб чиқсанг олиб борар ҳар ерга,

Қочсанг қутқаради энди душмандан,
Минган отинг қутли бўлсин фарзандим.
Энди болам ўнгдинг минган тулпордан.
Дейиб энди Хидирбой
Боллар билан қўшилиб,
Бойнинг кўнгли жўш уриб,
Кўрганнинг ақлин олиб,
Бой келётир қувониб.
Келиб кириб ўрдага,
Фарруҳ отни боғлади,
Эгарин олди, ағнади.
Тура солиб силкиниб,
Керишиб от ёзлиб,
Тулпор бўлди бир тимсол,
Осмонни кўзлаб жонивор,
Шод бўлгандан ўйноқлаб,
От хаёлни бошлади.

Отни бергандан сўнг Хидирбой олмос суви берилиб
ишланган сари ёйни тўқсон ўқи билан, етти қават совут,
төшкесар олмос, қилич-яроқларни жам қилиб, Чавра-
лой ўтирган оқ ўрдага олиб келиб, Фарруҳ билан Чав-
ралойга қараб Хидирбой бир сўз айтди:

Эшитганман болам сенинг ҳам зоринг,
Қайгу билан қартайганда бул жоним,
Совут-яроғ мен келтирдим ўзингга,
Қутли бўлсин болам минган тулпоринг.

Тергайсан боғларнинг тоза гулини
Ярашиққа сайрасин булбулнинг сени,
Тоғ оралаб сайрон қилсанг далани
Бўлгай Фарруҳжон дунёда йўлинг.

Қараганда кўринади ўнгу сўл,
Қидирсангиз хизмат қилар бизнинг эл,
Кетар бўлсанг отанг қонин олмоққа,
Бир-бировни кўролмасак рози бўл.

Фарруҳнинг манглайдан бир суйиб, Хидирбой йил-
қисига чиқиб кетди.

Чавралой қизлар билан йиғилиб, лабларини тиш-
лаб, хамирларни мушлаб, инисининг кетар хаёлин би-
либ саккиз тандирлик чурак хамир этди. Икки голи

хуржинни ҳам тайёрлаб чуракларини солиб, олти тан-
дир чуракни от бостиригининг ичидан тикиб банд этди.

Орадан уч кун ҳам ўтди. Саҳар вақтинда
туриб:— Отам қонин излайман,— деб Фарруҳ онасига
қараб бир сўз айтгани:

Жон опажон, эшит менинг зоримни,
Ажал етса олло олар жонимни,
Полвон бўлдим халқнинг орин олгандай,
Мен излайман энди отам қонини.

Кетганимга қийналмагин, жон опа,
Файрат келди сизгадим бу дунёга
Ночорлик қилибам сен йиғлаб қолма.
Қаргамасин отам деган бенаво,
Сафарим бор Қирайхоннинг элига,
Жиловимни қўлласин-да кўп бобо.

Тўшимдан қолмайди, юр, деб боболар,
Кўнглимдадир уруш деган ул хаёл.
Рухсат бер меннингдайин инингга,
Сен изимдан йиғлаб қолма зору зор.
Дейиб энди бул Фарруҳ
Сакраб туриб ўрнидан,
Тулпорининг белига,
Олгин эгар солади,
Айилни жундан чалади.
Отни яхши безади,
Совутларин княди.
Саҳар файз вақтинда,
Сакраб отга мичганда,
Опаси деган бечора,
Инисига сўйлади,
Сўйлай бериб не деди:
Иним, қулоқ солгин айтган сўзимга,
Қароқчини дўст тутмагин ўзингга.
Омон бориб, соғ келгайсан Фарруҳжон,
Душманларни қаратмагин юзингга.

Қислиққанда³⁰ сизин комил пирингга
Сўлдиргайсан душманларнинг гулини,

³⁰ Оғир ҳолда қолганда.

Ет элларга сафар қилиб борасан,
Йўлдошинга ҳеч айтмагин сирингни.
Қўллагай жilовингдан сени араллар,
Мен кўрганман бўлар ишни тушмда,
Бўл ўзингдан ҳар жойларда хабардор.
Миниб отнинг белига,
Отланади мард полвон
Чин қалмоқнинг элига.
Отига қараб — чув, деди,
Чув дегандан чувлади,
Тулпорин синаб кўради.
Қумлик ерга келганда,
Кўзгинангдан жонивор
Қанотга зўрни беради.
Тошлиқ ерга келганда,
Туйноқлари тарпиллаб,
Узаигилар шарқиллаб,
Танодай кўзи ёйнади,
От жонивор, жонивор,
Бош эгаси минган сўнг,
Турли ўйин ўйнади.
Ўзи ҳаваскор мард полвон,
Жўш уриб тулпорни ҳайдади.
Бир ярим кун оради,
Оқ дарбанд, олатоғларга,
Бориб ботир етади,
Ул дарбанддан ўтади.
Ул дарбанд қисноғинда
— Айналайин, Фарруҳ деб
Тўқли деган Фарруҳнинг
Келиб отин тутади.
Қирқисини ул Тўқли
Ақириб энди чақирди;
Бунда энди Фарруҳжон,
Азозиллик иш кўрди.
Фарруҳ отли полвонни,
Қирқ қароқчи қўшига,
Иززатлаб анда туширди.
Азозил анда ўғрилар,
Турли таом тортади,
Ботирга сирин айтади.
Бўлди косада шароб,
Сихларда келди кабоб,

Мастлик ёмон кучайди.
Ароқ-шароб ичмаган
Бунга ҳайрон қолади.
Қоса берса олади,
Манглайига солади.
Ҳоли етмай золимлар
Ҳеч иложин топмади.
Чарчаб келган мард йигит,
Уйқуга мойил бўлади.
Ботир ухлаб қолган сўнг
Улдирарга кўз қиймай,
Тўлап отли шум шайтон
Йигитларига қараб
Бир жавоб айтади:
Арзим эшит, қулоқ солгин қирқ йигит,
Бевалик-ку гўч йигитга ёмон дард,
Ичмайди қўлимиздан энди шаробни
Сўзлай десам солар бизга ёмон дард.
Иярмайди ҳар сўз айтсам ўзимга,
Солмайди қулоқ энди чертган созимга.
Улдирмакка кўзим қиймас ўғлонни,
Қандай кўндирамиз бунинг ўзини.

Асли энди ботир полвон боласи,
Одамзоднинг унга йўқдир чораси.
Ақл топинг, айналайин, қирқ йигит,
Не бўлади бу боланинг ҳийласи?

Қўшим кал деган бир шайтони бор эди.— Э, йигитлар,— деди,— минган оти тулпор, сиғинса пири тайёр, кескир қилич, шайли яроғ, унга эришмоқ³¹ не дарқор. Отини сўяйлик, кабобга тўяйлик, отидан айрилиб қолса, қайда боради. Ароқни бериб-бериб, ағдариб уриб, кўмак солайлик. Қирқ қароқчи отни зўрға ушлаб оёғин жидарилаб ташлаб сўймоққа пичоқ қайради. Фарруҳнинг тушига бир қарри бобо кириб бир сўз айтди:

Учқир эдинг қанотингдан қайрилдинг,
Арслон эдинг камарингдан айрилдинг,
Тур ўрнингдан, ботир туққан полвоним,
Армон билан тулпорингдан айрилдинг.

³¹ Учакишмоқ, баҳлашмоқ.

Отангиздан қолган эди тулпор от,
Қароқчида ҳеч бўлмайди ҳосият,
Оч кўзингни қолма болам армонда,
Тургин энди, тулпорингдан айрилдинг.

Тулпордан айрилиб, бўлма беқарор,
Бош бермай ётибди энди жонивор,
Оч кўзингни, айналайин, Фарруҳжон,
Келдинг энди бу жойларга бемаҳал.

Ирғиб туриб мард Фарруҳ,
Қиличин белга боғлади.
Чиқса қўшдан далага,
От устинда уймалаб,
Етганини кўради.
— Ҳой-ҳой, золимлар,
Сени нетди жонивор?
Қирқингизни қирарман,
Ҳеч кимни қўймай омон.
Деган энди вақтинда
Тулап туриб ўрнидан,
Бир-икки оғиз сўзлади:
— Эшит болам додимни,
Қислиғибди жонивор,
Ул отингнинг оғзинда,
Ут егизмас қони бор.
Қонин олайин деганда,
Бош бермади жонивор.
Отни ташлаб ҳаммаси,
Чиқди энди сайланиб.
Шул вақтлари бўлганда,
Ун икки қулоқ қозонни,
Тўнкариб энди олгандай,
Тошга ботиб туёғи,
Урпонгга³² сингиб оёғи,
Бир ҳайбатли отнинг
Изин кўрди Фарруҳжон
Бояги энди қароқчи,
Отнинг изин кўради.
Нечалари ўлдик деб,

³² Тупроқда.

Энди инграй беради.
Дев оралаб келди деб,
Маслаҳатни солади
Шул вақтинда Тўлап сорт
Қароқчиларга сўзлади:
Бизлар олдик бозиргоннинг молини,
Аямадик одамзоднинг жонини,
Девлар келса одамзодга зиёнди
Қилинг, беклар, сен бошингнинг гамини.

Бизлар қилдик у Рустамнинг ишини,
Оқиздик халқнинг кўздан ёшини,
Девлар келса, сўрар одам қонини,
Энди сақланг, беклар, қора бошингни!

Йўлдош эдим қирқингизга бебаҳо,
Қўшилиб кезганим тоғ билан дала,
Келса девлар қилар барингни зоя,
Елғончида аяб юринг жонингни.

Бул сўзни айтган вақтда Фарруҳ отини зардан-забардан эгарлаб, бўктаргисин маҳкам чалиб, тамоми яроғларни олиб, сакраб тулпорининг белига миниб қирқ қароқчига қараб бир сўз айтади:

Сўяр бўлдинг ботир минган кўк отни,
Меҳмонларга қилмоқ бўлдинг гайратни.
Қароқчининг дўсти бўлмас дунёда,
Мен кўрмадим сизлардайин номардни.

Эшитмайсан бозиргоннинг зорини,
Уғирлаб оласиз дунё молини,
Ботир бўлган мард аяйми жонини?!

Мен минганда кўкка отар араб от,
От қўйганда душман бўлар бетоқат.
Девни излаб биз кетамиз изидан,
Сизлардан топилмас ҳеч бир хосият!

Излаганим менинг дев билан полвон,
Мардлигим шул мен биз излаб бораман.
Мен ҳам кўрмадим бундай отларни,
То кўрганча хуш қол мендан қирқ нодон.

Отни миниб Фарруҳжон,
Қўлида пўлат қалқон,
Ғайрат келиб ботирга,
Ул изнинг кейнидан,
От ўйнатиб, йўл юриб,
Кета берди мард, полвон.
Бир кунгадай от чопди,
Етказмайди ул одам.
Иккиланчи кунинда,
Бўрон билан қор экан;
От кокили ўрилди,
Дол узоқдан қараса,
Ҳайбатли қора кўринди.
Остиндаги Фарруҳнинг
Миingan энди тулпори
Қувримочдай қуврилиб,
Ер танобин сувириб,
Ана-мана деганча,
Фарруҳ етиб боради.
Қарши олдига қараса,
Бўйи бордир олти аршин,
Эи экан нкки аршин,
Тонқодайин* қобоғи,
Қалқондайин қулоғи,
Соқолни ул занғар
Инжу билан тўрлаган,
Муртларини қайтариб,
Елкасидан боғлаган;
Товоқдай кўзи ёйнаган.
Топ бир дев шекилли,
Изидан етиб Фарруҳжон,
Қайта-қайта ўкинди;
Шунда Фарруҳ сўйлади,
Ўз-ўзига не деди:

Мен бўлганман дунёда,
От-яроққа энди зор.
Душманларнинг дунёсин,
Қилар бўлдим энди тор,
Ўхшамайди бул девға,
Мен бир қўрқиб нетайин,

* Чойдиш.

Олдига ўтиб кетайин.
Қарши олдидан келайин,
Эгилиб салом берайин,
Саломимни олмаса,
Насибамдан кўрайин.
Етим бўлиб мен ўсдим,
Бул дунёда хору зор,
Номард бўлса ҳар киши,
Елғончиси мудом тор.
Меннингдайин ботирдан
Олло бўлгай хабардор.
Фарруҳ отли боланинг
Кўзи ўтдай ёнади,
Отга қамчи солади.
Остиндаги тулпори,
Ўқ илондай букилиб,
Кўзи кўкка тикилиб,
Ирғиб унинг олдидан
Ўн танобдай ўтади,
Ўтганини билмади.
Ул одамнинг ёнига,
Бир танобдай қолганда,
Отдан тушиб Фарруҳжон,
Икки қўли кўксинда,
Эгилиб салом беради.
Ботир туққан Фарруҳнинг,
Юзи ўтдай ёнади,
Яхши адаблар билан,
Бориб қўлин олади.

Ул одам: «Э ғойибим топилгандир»,— деб, отин тортиб туриб не тимсол сўзлар билан Фарруҳнинг аслини сўради:

Булбулсан қунарсан бога³³,
Нолишим етгай оллога.
Яғринларинг қопқоқдай,
Билакларинг чўқмоқдай,
Оғзи-бурнинг ўймоқдай,
Сўзлаган сўзинг қаймоқдай,
Қайси боғнинг гулисан,
Қайси мардинг ўғлисан?

³³ Бсақда.

Кезганинг чўлнинг даласи,
Тилингда ҳақнинг саноси,
Ўзинг яхшининг авлоди,
Ростингдан кела кўр,
Сен кимнинг боласи?
Сўлдирдим душманинг гулини,
Айтиб бергин элингни,
Қайси ерга борасан,
Қайтарма менинг кўнглимни.

Шул вақтда Фарруҳ кўзига ёш олиб, ота-боболари-
ли таъриф қилиб айтган жавоби:

Айланайин, огажон,
Кўнглимдадир кўп армон.
Ул бобомнинг отини,
Арслон олп дейдилар.
Қалмоқ билан қасд бўлган,
Ўзбакларга дўст бўлган,
Ботирлиги дунёда,
Душманларни боғлаган,
Қалмоқларнинг лашкарин,
Оқчалнқ қўйдаи ҳайдаган;
Зангар деган қалада,
Туққан ерим Сардоқли,
Дунёда душман қўймаган,
Отам оти Болтакай,
Энамнинг оти Бўлакай.
Қалмоқнинг хони Қирайхон,
Отаси экан Шейирхон,
Урлаб келиб элимни,
Елғиз қолиб ёвларда,
Армонли ўтди дунёдан,
Отам билан ул онам.
Улжа бўлиб қалмоққа,
Кўрдим қалмоқ озорин.
Ойтуғар бўлиб сабабкор,
Туркистоннинг элига,
Менинг тушди гузарим.
Еймаган элга дастурхон,
Ўзи судхўр бой экан,
Унга фарзанд мен бўлиб,
Ун олти ёшга келганда,
Фарруҳхон менинг отим,

Кўкракка сизмади,
Олло берган ғайратим.
Бахтимни очса бир олло,
Бораман қалмоқ элига
Отам қонин олмоққа.
Мен сўрайман ўзингдан,
Ол бетингга қарасам,
Алишерга мангзаган.
Тув сиртингдан қарасам,
Туққан норга мангзаган.
Яғрининг ёзиқ, тўнг елка,
Полвонларга мангзаган.
Юрганнинг тоғнинг даласи,
Тилингда халқнинг саноси,
Минган отинг аргумоқ,
Асли зотинг қил баён,
Айналайин, оғажон,
Сиз қайси элнинг оғаси?
Насибангиз ғойибдир,
Менинг ўзим ёш бола,
Аслингизни оғажон
Сўрай бериш айибдир.

Ул одам отдан тушиб Фарруҳни қучоқлаб, манг-
лайидан бир суйиб, кўзига ёш олиб айтган жавобни
эшитинг:

Айналайин, ёш ўғлон,
Кўнглимда эди армон.
Бу йил саккиз йил бўлди,
Сан болани тополмай,
Бўлдим энди саргардон.
Қучоқлаб энди, жон қўзим
Шу кун бўлди кўнглим шод.
Бу йил саккиз йил бўлди,
Отам айтди омонат.
Ул Зангарнинг шаҳринда,
Сардоқлининг элинда,
Отасининг оти Арслон,
Боласи Болтакай полвон,
Менинг отам Огимбой,
Чини-Мочин йўлинда,
Отам билан иккови,
Қиёматлик дўст бўлган.

Қирайхоннинг қўлинда,
Халқи учун Болтақай,
Улди дейиб эшитди.
Сени энди дунёда,
Тирик етим деб эшитди.
Менга қилди жон отам,
Қонлар йиғлаб насиҳат:
— Шул дўстимнинг боласин,
Ер юзида бор бўлса,
Топиб олиб қилгин шод.
Душманларин қилгин мот.
Шул дўстимнинг боласин,
Юртига олиб бориб,
Қалмоқнинг элидан,
Озодлар энди қилиб,
[Болтақайдай] дўстимнинг,
Фарруҳхондай ўғлини,
Подшо қилиб келмасанг,
Дўстим қони олмасанг,
Ўзбакка талон солган,
Қирайхондай подшонинг,
Икки кўзин ўймасанг,
Рози эмасман,— дейиб
Қон йиғлади жон отам.
Бу йил саккиз йил бўлди.
Сенигдайин инимди,
Қидириб юрган оғангман.
Ул жаҳоннинг полвони,
Мен Алдирман, Али,
Тоққа битган қондирман,
Душман ўтин ёндирмай,
Дўстнинг ўтин сўндирмай,
Қандаҳарнинг юртида,
Ул жаҳоннинг полвони
Жамхур деган мендирман.
Кезайлик тоғлан ошиб,
Тополмай юрдим шошиб,
Келгин менинг ёнимга,
Қўришай қучоқлашиб
Қўрганнинг ақлин олади,
Фарруҳ отли ёш бола,
Қучогин очиб боради.
Йиғлагани шул вақтда,

Чўлнинг майдон даласи,
Бир онадан туққандай,
Бўлиб энди шул жойда,
Икки дўстнинг боласи,
Сўзлашиб-да бўлди шод,
Юрагидан кетди дард.
Қирайхоннинг элига,
Арслондайин толпиниб,
Отлар қўйиб жўнади.
Ҳақнинг солган кунига,
Икки арслон кўнади.
Уч кун тамом йўл юриб,
Қарши олдига қараса,
Оқиб турган бир булоқ,
Булоқларнинг суви оқ.
Ул булоқнинг бўйнида,
Олма-анорлар пишган,
Қизил гуллар очилган.
Шул булоқнинг бошига,
Бориб тушди Фарруҳжон.

Жамҳур билан Фарруҳ отдан тушиб, хуржунларини олди, хуржунга қараса, бир куйик чурак қолмабди, отларини жойлаштириб, хуржунларни келтиргунча, Жамҳур бошини тошга қўйиб озгина ухлаб олди. «Э жоним,— деди Жамҳур,— отингнинг бостиригини келтир бери. Фарруҳ оиги қочиб, оғзини очиб: «Не бор экан»,— деб қўлтиқлаб отнинг бостиригини келтирди. Қўлига пичоғини олиб, қойинлаганда Фарруҳ айтди: «Оғам меннинг бостиригимни кесиб саяжакми?». Бостириқни кесиб юборса, нч ёғиндаги ҳар тикишдан ўн сари-беш сари чурак потирлаб туша берди. Борлигини сўтиб олса, бостириқдан тўрт хуржундай чурак чиқди:— Э оға, мен элдан чиққандан бери бунингдай каромат кўрмадим, қани Қирайхоннинг яқинми экан?— деди. Жамҳур айтди:— Шул олдимизда кўринган тоғнинг чети Қирайхоннинг қаласи экан.— Оға, борамизми устига?— деди Фарруҳ.— Э иним, уч кун сақлансанг, ўзи тайин бўлиб келар, деб уйкуга кета берди. Эндиги сўзни Қирайхондан эшитинг:

Бир кун ётиб туш кўриб,
Тушинда ёмон иш кўриб,
Олтмиш икки амалдор,

Етмиш икки муҳрдор,
Тилла пинчоқли сардор,
Бекларин чақириб олиб,
Айтган сўзи шу экан:
— Олтмиш икки амалдор,
Айтар сенга арзим бор,
Оқшом кеча туш кўрдим:
Остимга минган тулпорнинг,
Эгар юганин бўш кўрдим.
Тебранганди олтин тахт,
Устиида икки япалоқ,
Қанотин ёйган қуш кўрдим.
Қонжиғада бош кўрдим.
Икки йўлбарс келибди,
Ақириб менинг қаламга
Икковини-да ёш кўрдим.
Ер юзинда қон кўрдим,
Икки осилган, уйимда,
Пишмаган этдан сон кўрдим.
Икки бургут келгаидир,
Бошимдан олдим тожимни,
Қаҳ-қаҳ уриб бир кулдим,
Бу не бўлар вазирлар?

Саромон деган вазири бор эди, хонга яқин эди.
«Мен яхшилаб йўраин тушини»,— деб хонга қараб бир
жавоб айтди:

Айналайин, хон ота,
Арзим эшит, жон ота,
Япалоқ қушни кўрсангиз,
Давлат қуши келмайми,
Юртингиз обод бўлмайми.
Икки йўлбарс дунёда,
Оллонинг арслони,
Сенингдай улуғ подшолар,
Икки улуғ подшони
Қайтадан яна олмайми?
Қонжигани кўрганинг,
Сенингдай улуғ подшолар,
Подшоларга қайғу солгани.
Отни кўрсанг тушингда
Фарзандингнинг бўлгани.
Эндигисин айтиб қайтайин,

Ешинг узун бўлгани,
Давлатингнинг келгани,
Лоти-манатнинг бергани,
Дейнб кулиб қўяди,
Саромон отли вазири.
Шунда туриб Қирайхон,
От бошиндай сўм юрак,
Саройинда тувлади,
Халқига қараб сўзлади,
Сўзлаганда не деди:
— Олтмиш икки амалдор,
Олтмиш минг лашкар йиғнаглар!
Келсин энди олдимга
Элда ётган полвонлар!
Айёр, жоду бариси,
Евдан орин олгандай,
Элимда бўлса [агар],
Келсин барча мерганлар,
Қолмай энди бириси.
Қон билан ўлик аралаш,
Йўлбарс келса энди ёш,
Кўнглидадир армони,
Ул Юоннинг элинда,
Оғимбойнинг боласи.
Ўзи жаҳон полвони,
Жамхур ботир келгандир.
Замонн келган вақтинда,
Ҳаққа етган ноласи,
Ул Зангарнинг оғаси.
Арслон тойнинг боласи,
Эр Болтакай дер эди,
Зиёд бўлиб ул дарди,
Отадан зиёд ғайрати,
Икки шернинг бириси,
Болтакайнинг фарзанди,
Фарруҳ полвон бўлганди.
Отасининг қонини,
Қалмоққа излаб келганди.
Икки сонлар осилса,
Менинг икки бодамди,
Дарға осиб ўлдириб,
Менигдай золим подшонинг,
Шум паймони тўлганди.

Сиртимдан юрнб куйлайсан,
Юзимни кўриб сўйлайсан,
Узинг қарри Саромон,
Бул дунёни нетасан?
Бул тушимнинг таъбирин,
Айтолмадинг сен тўғри,
Сен дунёдан ўтасан!
Дейиб энди Қирайхон
Жаллодини чақирди.
Оббор деган вақтинда
Саромондай занғарни,
Дорга осиб ўлдирди.
Подшо ўрнидан турди.
Халқларини йиғдирди,
Иккивора бир товоқ,
Таомларин уйдирди.
Лашкарларин чақириб,
Гумбирлатиб тўпларди,
Осмонга қараб отади,
Беклари карнай тортади.
Кўрганнинг ақлин олади,
Қанотли қора тулпор от,
Қирай отли подшонинг,
Остинда ўйнаб боради,
Ҳеч ерларда ёвлар йўқ,
Тортишмоқда девлар йўқ,
Дейиб энди жаллодлар
Ҳайрон бўлиб боради.
Эндиги сўзни эшитинг,
Фарруҳ отли полвондан.
Отларини эгарлаб,
Эгар-юганин тугаллаб,
Қибла бетга қараса,
Олтин туғи³⁴ қўлинда,
Лашкар ўнгу сўлинда,
Қумурсқадай мингашиб,
Келаётган қалмоқнинг
Ҳисоби йўқ, сони йўқ.
Буни кўриб Фарруҳхон,
Жамҳур деган оғасни
Уйғотолмай уйқудан,

³⁴ Байроқ.

Бир-икки оғиз сўйлади;
Сўйлай бериб не деди:
Арзим эшит, қулоқ солгин оғажон,
Қалмоқ келди, уйғон энди уйқудан!
Ғофилликда йўлиқмагин балога,
Қарнай тортиб келди энди Қирайхон.
Қиличингдан жўя-жўя оқар қон,
Савашни кўрмаган ўзим ёш ўғлон,
Тургинн. оға, ёвлар қуршаб олмасин.
Асло энди турмади,
Енбошларин буради,
Бармоқларин тнлади,
Тузлар билан силади.
Кўзин очиб бул Жамхур,
Қайғу қилма, иним, деб
Бошларини силади.
Ботирга турли ўқ бериб,
Оқ совутни кияди.
Ун икки қулоч арқонни,
Дол белига бойлади.
Жамхур отли полвоннинг,
Кўзи ўтдай ёнади.
«Бир кунингга яра»,— деб
Бир олмос чаққини*
Бул Фарруҳга беради.
Ўзингдан бўлгил хабардор,
Олло бўлсин энди ёр.
Ёр бўлгай Зулжалол,
Дейиб энди бул полвон,
Отнинг бошин бурганча
Қалмоқ келиб қолади.
Қалмоққа қараб Фарруҳжон,
Шул вақтинда сўзлади:
— Отангга лаънат қалмоқлар,
Зангар юртга солгансан,
Бориб энди, қайғу зор,
Мен отамнинг қонини,
Олмоққа келдим устингга,
Қирайхондан бер хабар!
Деган энди вақтинда.
Қалмоқ карнай тортади,

* Пичоқча, қаламтараш.

Полвонлар деб чақирди,
Сазо бермади полвон.
Мана полвон сенга, деб
Жамхур отли эр йигит
Оллолаб от қўяди:
Опир-топир бўлади,
Ботир туққан мард Фарруҳ,
Қобогини уяди.
Олмос қилич Исфиҳон
Бўридай бўп тилади.
Ўмма турган кўп бўлди,
Қочган қалмоқ чўқ бўлди
Мунка кўтарди алиги
Ўмма турди ўлиги,
От бағридан қон бўлди.
Қўлида кескир олмос,
Мисли ботир оч йўлбарс,
Панжаси теккан жойидан,
Пойини олмай ҳеч қўймас.
Оллога қилди нолишди,
Оч арслондай олишди.
Хасар тоғдан ошади,
Чангни чангга қўшади,
Жамхур отли эр йигит
Фарруҳ билан қўшилиб,
Ғовур сайлаб санчади.
Жамхурни кўрган вақтда,
Подшо золим Қирайхон,
Ширин жонин омон, деб
Қанотли қора тулпорни,
Қичаб қамчи босади,
Шу жойларда қочади.
Еш-да бўлса Фарруҳжон,
Ақлли, доно бола эди,
Хон қочганин билади.
Кўзи ўтдай ёнади,
Кейнидан от қўяди,
Кўрганнинг ақлини олади.
Ботир туққан Фарруҳжон
Хонни қувиб боради.
Хоннинг бориб изидан,
Етдим-етдим деганда,
Фарруҳ найза солади.

Фарруҳнинг найзасин
Қалқон билан синдириб,
Хон қутулиб қочади.
Фарруҳ қувиб боради,
Етдим-етдим деганда,
Қилич билан уради.
Ҳийлакор эди Қирайхон,
Фарруҳнинг қиличин синдириб,
Яна қочди шум шайтон.
Етдим-етдим деганда
Фарруҳ минган аработ
Орли эди хоназот
Оғзин хатапдай очиб,
Умировдан ўт сочиб,
Хон отининг оёғидан,
Сийроқдан³⁵ оғиз солади.
Хоннинг оти йиқилди,
Оғзига қум тикилди,
Фарруҳ отли ёш бола,
Хон устига йиқилди.
Бир зўр полвон қалмоқхон
Ураб-чирмаб Фарруҳни,
Отнинг энди олдига,
Ўнгариб уни олади.
Фарруҳ отли болани,
Олиб қочиб боради;
Фарруҳ минган Кўланча,
Кишнаб-кишнаб жоивор,
Бул-да кейнидан боради.
Фарруҳ шунда ўйланди:
Жамҳур деган жон оғам,
Олмос чаққи берганди,
Халтамда бормикан, деб
Қиссага қўл солади.
Олмосдан бўлган чаққини
Фарруҳ тортиб олади.
Қочиб бораётган хоннинг,
Эмчагининг ости деб
Топ юракнинг усти деб
Олмос чаққисини,
Фарруҳ ботир уради.

³⁵ Оёқнинг тиззадан паст қисми.

Тортиб снлтаб юборди.
Тилиб энди қорнини,
Жигарининг устидан
Бориб тойиб ўтади.
Хоннинг ичак, бовури
Қорнидан шовиллаб қон
От бўйнига қуйилди.
Тилини Қирайхон ёлмади,
Ичинда подшонинг
Ичак, юрак қолмади.
Отидан Қирайхон,
Ағдарилиб йнқилди,
Оғзига қумлар тиқилди.

Дармаҳал Фарруҳдон отидан тушиб, ўзининг ҳам отини ушлаб отларни бир чангалга боғлади. Борса, хон кўзини ёшлаб, қорни-ичаги жаҳон ерни олиб, Фарруҳга қараб, ўзининг ўғилсизлигини айтиб, ҳалол фарзанд экансан отангдан туққан,— деб Фарруҳдан рози бўлиб, вкки оғиз сўз деди:

Эй Фарруҳжон, Фарруҳжон,
Сенингдай полвон болага,
Пирингиз бўлсин мададкор.
Бир замон кесма бошимни.
Эшит менинг зоримни.
Ҳижр ўтидан ёнасан,
Сен отангнинг ўзидан,
Ҳалол бир туққан боласан,
Эшитмай душман зорини,
Олдинг отангнинг қонини,
Ердинг-ку, менинг қорнимни.
Кўрдим фарзанднинг эрини,
Шод этдинг отанг руҳини.
Сенга берсин энди бахт,
Мингайсан энди олтин тахт.
Очилсин боғда бир гулинг,
Фарзандликда йўқдир мининг,
Қизларим икков, ўғлим йўқ,
Қиёматлик бўл ўғлим,
Розиман, болам, розиман.
Бўлдим дунёда Қирайхон,
Ўғилсизнинг охири вайрон,

Оллога келтирдим имон,
Розиман, ўлдир, розиман.

Етди менинг кўрган ёшим,
Қалмоқ билан савашинг,
Розиман, кесгил сен бошим,
Розиман, болам, розиман.

Шул вақтлари бўлганда,
Ботир туққан Фарруҳжон,
Хон қошига боради,
Соқолдан товлаб олади,
Қўйдаи қилиб чалади.
Хоннинг найзасини
Мард қўлига олади.
Ерда қўйиб каллага,
Кўк найзани солади.
Хоннинг жиғали бошини,
Ул найзага қистириб,
Хоннинг отин етаклаб,
Қулонмонли Кўланчага,
Фарруҳжон қамчи солади.
Қирайхоннинг ўлиги
Қум тагинда қолади.
Жамҳур оғам қайда, деб
Уруш қилган жойига,
Борса энди лашкар йўқ.
Қалага қараб жўнади.
Ҳақнинг қилган ишига,
Ботир йигит кўнади.
Еман деган шаҳарга,
Етиб борса Фарруҳжон,
Фарруҳнинг олдидан,
Чиқа берди кўп одам,
Бул одамларни кўриб,
Ботир ҳайрон қолади.
Отининг оёғи остига
Ғали-гиламини тўшаб,
Фарруҳ отли болани,
Қалмоқ билан ўзбаклар
Энди қарши олади.
Отдан тушмай Фарруҳжон
Жамҳурнинг олдига

Заржиғали подшонинг,
Бошини олиб бориб,
Даржоринг шул оға. деб
Ботир отиб уради.
Отдан тушиб Фарруҳжон,
Жамҳурнинг олиб қўлидан,
Сарғайиб тонглар отганча,
Қирайхоннинг тахтинда,
Ботирлар роҳат олади.

Фарруҳ билан Жамҳур косада шароб, сихда кабоб, маст бўлиб, тахт устинда; қалмоқнинг қўлинда эзилган ўзбакнинг мард йигитлари, Зангар шаҳридан келган халқлар борди. Шунда Жамҳур: «Қалмоққа жонини қўшган, ибо сўзига сувдай тошган, қиз бериб, қиз олиб аралашган жондор қўймай йиғнанг»,— деб Эримсой, Каримсой, Қуримсой деган ўзбак йигитларининг полвонларига буюрган эди. Еманнинг халқига аралашиб ётган Зангар ўзбаклари уч кунда Еман шаҳрига келиб [тўпланди]. Оқимкал деган Қирайхонга яраниб, элни йиглатиб, ҳаром мол йиғнаган Зангар шаҳрининг шум шайтони бор эди. Закотини қийиб Қирайхонга берган, оға дейиб кун кўрган Хиёлнинг подшосини Обоҳон қалмоқ дер эди. Оқимкал: «Шул Обоҳонга айтиб келсам, изинда йўқ лашкар, юртга қандай солади икки бирдай есир»,— деб бир тулпорни миниб, бир кеча-бир кундуз йўл юриб, чошка вақти Обоҳонга арз этиб, бу сўзни айтди:

Арзим эшит Обоҳондай оғажон,
Лашкар тортиб келсин дейди Қирайхон.
Қандаҳордан эр Жамҳури келибди,
Еманнинг шаҳрини қилади вайрон.

Остимга минганим ўйноқи тулпор,
Қирайхонга тушар бўлди қайғу зор,
Ҳар полвонинг сенинг арслон сифатли,
Тошотар мерганлар энди сенда бор;
Кетса ўзбакларнинг қўлинда қалмоқ қон
йиғлаб,
Бўлмасми энди сенга, хоним, номус — ор?!

Чиқдинг ботир бўлиб Қирай қалмоқдан,
Подшомиз юборди сендай ботирга.

Икки эллар бирдай бўлиб тўпланиб,
Номусни олайик энди ўзбакдан.

Сенда бордир айёр, неча жодугар,
Айтиб келдим Қирайхондан мен хабар,
Кўп эдинг бизнинг хоннинг тузини,
Ўлжа бўлиб энди кетар қалмоқлар.

Шул вақтда Обоҳон: «Ўзбакни ўзбак, дейди, қалмоқни қалмоқ, дейди: агар Қирайхон тирик бўлса, юртин бермас; бориб анга кўмак бермасак бизни эл демас».

— Сен бундан кета кўр, ол элинга ета кўр, тирик бўлса Қирайхон чиққаними айта кўр,— деб яхши сўз бирлан Оқимқални юбориб, ўн минг лашкар ёнига олиб, Байхун деган вазирага қараб, бир-икки оғиз сўз айтди:

Юрган ерим ул Хиёлнинг даласи,
Шер бўлади йўлбарсларнинг боласи.
Улбий айтайин сенга энди арзимни,
Ев бўлибам келган қалмоқ элига,
Биларсанми қайси хоннинг тўраси?

Мард битқарар айтган энди шартини,
Хароб қилдик зангарлининг юртини,
Улбий эдинг ёлгончида дуохон,
Билармисиз қайси бийнинг ўглиди?

Бориб тоза қилсам энди дардини,
Уруш қилиб берсам энди юртимни,
Ўзбаклардан орли полвон дўрайди,
Ким дейдилар келганларнинг отини?

Юртга бўлдим адолатли Обоҳон,
Юртни айирмайик ота-онадан,
Бир тознинг сўзига энди, инониб
Мард бўлиб солмасин юртимга талон.

Қирғиз элидан чиқиб Эрқўшай деган ёлғиз соҳибхуруш бола — Тўхтапўлатни ўлдириб, Обоҳонни қалмоққа хон қилиб кетган эди. Тўхтапўлатнинг Қорахон, Қайғули деган икки девини ўлдириб, юртни талон этган эди. Шул ёдига тушди. Обоҳоннинг илмли олти ой-

лик йўлдаги кимнинг ким эканини билувчи Хидирчол деган китоб қаровчи бобоси бор эди. Ул Обоҳоннинг отланиб шаҳардан чиқар вақти қора эшагини мнниб, китобчасини қўлига олиб, хонга шовқин солиб, ҳай-ҳайлаб, бай-байлаб бир жавоб айтган экан:

Подшо эшит менниг айтган додимни,
Мендан сўранг икки марднинг отини;
Сен урушсанг Жамҳур деган эр билан
Ўтга бериб кетар сениг юртингни.

Жиловида юрган Хизир боболар,
Қарши бўлсанг энди солар қайғу зор,
Отсанг милтиқ, чопсанг қилич ўтмайди,
Ул ёнинда Фарруҳ деган бола бор.

Армон билан ўлиб қолди Қирайхон,
Еманнинг юртлари айтибди омон,
Энди борсанг тайин, хоним, ўласан,
Кимларни айириб ота-онадан.

Остига мингани учади тулпор,
Чоқ келмайди ер юзинда полвонлар,
Икки қизни нор туяга миндириб,

Энди безаб ҳосил мовут кийдириб,
Гилам билан ул палосни ортдириб,
Олти норнинг ул устини тўлдириб,
Соз билан боргин Жамҳур олдига.
Шўхлигига бахши-жиров айтдириб,
Изингда турсин ўнг минг лашкарлар.

Фарруҳ билан ўтиргандир тахтнда,
Бориб туриб адаб билан қўлин ол.
Эга бўларсан ул Еманнинг шаҳринга,
Подшо қилиб кетар сени ўзбаклар.

Иярмагин ёмон калнинг тилига.
Ким иярса ёмонларнинг тилига
Эга бўлмас энди туққан элига.
Хон бўлади мендай олимнинг жони,
Халқлар учун бизлар гайрат қиламиз,
Олим бўлар энди халқнинг кўрғони.

Бобдан бу сўзни эшитгандан сўнг Обоҳон, тортув-
га икки сулув қиз паризод, мисли панжан офтоб, иш-
қий сујат қизларни олтинга безаб, олтин авсарли қора
вор, ғали-гилам юкланган, ёбувлари зар, олдинда неча
ҳофизлар, созчи-айтгич бахшилар афсоначи яхшиларни
олиб, қалтанат билан йўл юриб Еманга етиб қолди.
Юрт қўзғовчи, эл йиғновчи ўзбакнинг йиғитлари ора-
сида бая хабарга борган ўзи манглайи қора, бузуқи
бўлса-да, сипойи-сурат, мардона келбатли Оқимкал ҳам
бор эди. Сипоҳи сиёсат орзу билан келтирган Обоҳон-
ни аввал «кўмак беринг», деб бориб, сўнг «душман
келди»,— деб шовқин солиб, Жамҳурга қараб бир сўз
айтади

Оқимкалнинг айтар сенга сўзлари,
Қора бўлсин бу қалмоқнинг юзлари,
Ор кўймади золим қалмоқ халқда,
Ода бўлмас чин қалмоқнинг излари.

Келиб қолди Хиёлдаги Обоҳон,
Саваш қилинг от бағридан оқсин қон.
Қалмоқларнинг энди бўлмас ваъдаси,
Ураб олди теварагинг шум шайтон.

Кўзим тушди кўлнинг учган ғозига,
Улдим деса, инонмагин сўзига,
Нега келди от ўйнатиб устинга,
Қон тўлибди Обоҳоннинг кўзига.
Шуни айтиб турганда,
Унг ёнида Хидирчол,
Чап ёнида Оримчол;
Юрганда ҳориб-толиб,
Бўйнига белбоғ солиб,
Қаладан кнриб Обоҳон,
Келиб қолди шул вақтда,
Ул Жамҳурнинг ёнига.
ЕТТИ ерда эгилиб,
Ул тождор Обоҳон,
Салом берди шул замон.
Хон ҳурмати улкан деб,
Ўрнидан туриб бул Жамҳур,

* Савғага.

Хонга ўрин беради.
Қаргади кални худой,
Бетлари қалин уялмай,
Тура берди шул ерда,
Бахти қора қочолмай.
Кўрганнинг ақлин олади,
Ақлли доно Обоҳон,
Ҳол-ёғдайин сўради.
Жамҳурга қараб Обоҳон,
Шул вақтинда сўзлади:
— Арзим эшит Жамҳуржон,
Ғофилликда халқимдан,
Оқиб эди сувдай қон.
Бир ёмоннинг дардидан,
Отадан ўғил айрилган.
Мана турган Оқимни,
Яхши боғлаб сўзлатинг,
Ёнинда эди Эримсой,
Кўп еб сенинг тузингни,
Бузган экан Зангарни.
Сенингдайин ботирнинг,
Ул отини эшитиб,
Дунёда қилдим войнм.
Иносам тознинг сўзига,
Қочади экан обрўйим.
Мен бир эдим Обоҳон,
Подшо қилган Эрқўшай,
Юртим фароғат бўлиб,
Халқим бўлди энди бой.
Ўзи Зангар боласи,
Сени энди ёмонлаб,
Борди менинг устимга,
Мана тозинг уялмай.
Қўзгаганди дунёда,
Мендай бир бенавони,
Отинг тутиб мен келдим,
Келдим сенинг олдинга,
Келмасам сенинг олдинга,
Қолар эдим мен ўзим
Элу халқнинг қонига.
Шунингдай энди шум шайтон,
Бир-бировни ёв этиб,
Икки орадан оқар қон.

Салом бериб мен келдим,
Урушмай айтнб омон.
Мен кимларнинг сўзига,
Билмаймисан няраман,
Халқ учун энди дунёда
Ақилимни караман.
Даркор бўлса, мард Жамхур,
Олтин тахтни бераман.
Ўлдирмасанг сен менн,
Икки юртни дўст қилиб,
Замонингда, Жамхуржон,
Армонсиз даврон сураман.
Довпоз³⁶ эди Кирайхон,
Жолотой³⁷ эди шум шайтон.
Одам жонин аямай,
Ҳаром молга қизиқиб,
Закот олиб ҳар ердан,
Елгончида тўймаган.
Золимларнинг сўзига,
Ияриб энди Оқимтоз,
Бориб менинг ёнимга,
Душман билди ўзингни.
Эшит полвон сўзимни.
Иярсам аҳмоқ сўзига,
Азоб тортиб ёш келиб,
Менинг нурли кўзимга,
[Қолар эдим уялиб].
Ўн минг лашкар менда бор,
Ҳавас қилиб ўзингни,
Олиб келдим ёинингга.
Хонлик шанин кўрсатиб,
Қасд бўлсанг душман билан,
Олиб берайин орингни.
Емон қулоқ солмайди,
Яхшининг айтган зорига.
Сизникидир бизнинг эл.
Менинг энди тилагим,
Икки халқни дўст қилмоқ,
Эндигисин ўзинг бил.

³⁶ Урушқоқ, жанжалкаш.

³⁷ Хотинбоз, хулиган.

Жамҳур хоннинг бошидаги жиғали бўркини олиб
тизасига қўйдириб, яна ҳам қўлига олиб Обошоннинг
бошига кийдириб, мардлиги жўш уриб, Обошонга Еман-
ни, ўз элини одил сўра, дўстлик қилиб, фароғатликини
ўйла, деб бир жавоб айтди:

Бу дунёга қийин келар одамзод,
Чуғул³⁸ солар ҳар элларга қийин дард,
Емонликини ўйламанг кўнглингга,
Кўрасан халқингдан иззату-ҳурмат.

Ноҳақ қонни бориб тўқди Қирайхон,
Охирида ўлди одам қўлидан,
Эътиқод қиб мендай марднинг ўзига,
Келиб энди шу кун [менинг] олдимга
Бердинг халқлар учун сен омон.
Омонни бергимас дунёда шайтон,
Аввал ҳам оғайин қалмоқ, мусулмон,
Урушдан чиқмайди онда хосият,
Емонлик ўйлаганинг охири вайрон;
Биз кетамиз шаҳри Зангар қалага,
Тахтинг қутли бўлсин энди Обошон.

Хаёлга келтирма сен ёмон сўзди,
Шайтоннинг феълдан нечалар озди,
Емонларни йўқ айламанг розиман,
Омон қўйма, ўлдир шул Оқим тозди.
Эримтоз билан Оқимни,
Қамалаб тутиб олади,
Бўйинга занжир солади.
Бошига [унинг] ҳабаши
Энди қалпоқ кийдириб,
Бетига қора чалади.
Оқча юзин сўлдирди,
Халқ бунн кўрсин, деб
Зийиққа* миандириб ўлдирди.
Эшитганга эс бўлди,
Неча кунлар тўй қилиб,
Қалмоқ билан ўзбаклар,
Ажралмасдай дўст бўлди.
Зангар яхши жой экан, деб

³⁸ Айғоқчи, чақимчи.

* Гуноҳқорни азоблаб ўлдирадиган жазонинг бир тури — қозик.

Чорвага уй экан, деб
Ун минг уйли қалмоқдан,
Қирқ минг уйли ўзбакдан,
Гўлимсойдай ботирни,
Бошчи қилиб олдиға.
Жамҳур билан Фарруҳжон,
Кўчирадн шул вақтда,
Бурунги ўсган юртига.
Олақайиш араб с,т,
Саксон нор дунёни,
Халқ закоти бўлсин, деб
Зиёфатим бўлсин, деб
Жамҳур билан Фарруҳга,
Шод бўлиб эллар беради.
Бунида олиб мард Жамҳур,
Фарруҳ деган инисиман
Ул кенгашга кирадн.

Жамҳур билан Фарруҳ Обоҳоннинг, халқларнинг
шод кўнгил билан берган иззатларини бир-бир кўриб,
қирқ норини — голи-гилам, ҳар турли кийимлар, танга-
зарларни олиб, нкки бўлиб чиқариб, бир бўлимни
Жамҳурга, бир бўличини Фарруҳга тойлаб, қирқ нор-
ни сиртга чиқариб бойлаб, қалмоқ элиндаги оч-ориқ,
етим-майиблар, ўғилсиз-қизсиз қарнларга қирқ туя зар-
ни улаштириб, пойма-пой қилиб бериб, оч-ориқнинг,
деҳқоннинг кўнглини шод қилди. Шунинг билан юриб
ўн беш кун иркилиб қолдилар. Фарруҳ ўрдасига кириб,
оғаси Жамҳурга қараб:

Бул элларда сайрар экан мурғизор,
Оч-яланғоч шод бўлгандаи лоп урар.
Оға, қилдик бул элларни ободон,
Отам Хидирбойдан олайини хабар.

Яшаб ўсган элим менинг Туркистон,
Салом келмас Чавралойдай опамдан,
Эли-куним кўринади кўзимга,
Рухсат берсанг мен кетайин, оғажон.

Етагимга мен тортаман неча нор,
Қари отам Туркистонда зор йиглар.
Бизинг элга юринг энди, оғажон,
Сенга инъом бўлсин энди дунё мол.

Жамхур:— Эй иним, саксонга кирган отам бор, етмишга кирган онам бор, саккиз йил бўлди кўрмадим,— деб Фарруҳга қараб бир сўз айтади:

Бир сўз айтсам бўлар иним кўнглинг шод,
Айрилиқ-ку гўч йигитга ёмон дард,
Бу йил саккиз йиллар ўтди орадан,
Отам бир сўз менга айтди омонат;
Мен битказдим жон отамнинг хизматин,
Омонатга мен қилмадим хиёнат.

Ичим, эшит, менинг айтган зоримни,
Ол деб эди Болтакай дўстим қонини.
Аямайин бошин кесиб қалмоқнинг,
Мен олганман шул отамнинг орини;
Сенигдайин адолатли полвонга,
То ўлганча бағишладим жонимни.

Йиғлай берма менинг учун зору зор,
Номардларга бу дунёси энди тор.
Қайғу қилма менигдайин полвондан,
Мен бўлмайман сендай марддан беҳабар.

Ёмон дўстлар гўч йигитга касофат,
Яхши дўстлар дўст йўлинда кўнгли шод.
Ташлаб кетди дейиб мени ўйлама,
Менда бордир турли-турли каромат.

Жамхур сари ёйнинг садоғини қўлга олиб, сари ёй ўқидан икки ўқни олиб алмаштириб, Фарруҳнинг манг-лайнга теккизиб:— Мана, бу ўқни қўйнингда олиб юр, ёнингга солиб юр, вақтим хуш бўлса, саломат юрсам, шул ўқнинг учидан сут томиб турар; бошимга кунлар туғиб турса, қон томиб турар; мендаги ўқдан ҳам шунингдай бўлади. Туркистонга кетар бўлсанг, бе йўлдош кетма,— деб Фарруҳга қараб бир сўз айтди:

Белинга боғлай кўр, тошкесар олмос,
Душман кўрсанг, оқизма кўздан қонли ёш,
Бепарво бўлмагил, иним, дунёдан,
Душман минг йиғласа, асло дўст бўлмао.

Зангар бўлар қалмоқ билан аралаш,
Ҳеч кимлар солмайди унга мушқул иш.

Насиҳатим олгин энди, Фарруҳжон,
Сафарни айласанг, юрма, бе йўлдош.

Узинг ёшсан раҳм айлай кўр жонингга.
Душман қолар сенинг ноҳақ қонингга.
Йўлдошли йнгитнинг мудом йўли бор,
Мудом йўлдош олиб кетгин ёнингга.

Фарруҳ ботир анқов, эр гўдак бўлар эди; ози-кам
кўнглида кўтармалик бор эди. Нодонлик қилиб, ман-
манлик қилиб. Жамҳурга бир сўз айтган экан:

Арзим эшит, жон оға,
Ҳеч кимларга ёмонлик,
Уйламадим дунёда.
Яхшиликка ёмонлик,
Бўлармикан дунёда?
Менда бордир тулпор от,
Кучим қирқ мингдан зиёд.
Келолмас душман ёнимга,
Қонолмас ганим қонимга.
Отим меннинг Фарруҳжон,
Ёмонлик айлаб ул менга,
Келмаймикан меҳри,
Бир чивиндай жонингга?!
Бул жонимнинг соғинда,
Оқмас кўзимдан-да ёш,
Юрдим энди бе йўлдош.
Қайғирмангиз, оғажон,
Қўймасман кишида номус.
Дейиб энди бул Фарруҳ,
Қора уйни нсрларга,
Овуртмоқлаб ортади.
Йигирма олти туяни,
Отга миниб бул Фарруҳ,
Туркистонга тортади.
Кетиб борётганинда,
Жамҳур яна сўзлади,
Сўзлай бериб болага,
Қайта-қайта не деди:
— Айналайин, жон иним,
Мардликдан йўқдир мнинг.
Айтганимни қилмадинг,
Менинг тилим олмадинг,

Бўлганини биларсан,
Кўримингни кўрарсан,
Бошингга қумлар совуриб,
Йўлларда ёлғиз кетарсан.
Мендай полвон оғангга
Айтганингиз келди, деб
Қайта-қайта айтарсан.
Бор Фарруҳим, аллаёр,
Бир-бировни кўрмакни,
Қилгай энди муяссар.
Дейиб энди икки дўст,
Кулиб-ўйнаб сўзлашиб,
Туркистондай жойларга,
Ботир Фарруҳ жўнади;
Қандаҳордай элларга,
Жамхур полвон жўнади.
Соғим билан ўндирди,
Салтанатли Фарруҳжон,
Кеча-куируз йўл юрди.
Ун икки кун деганда,
Оқдарбанддай жойларга,
Қора норлар гуркираб,
Қўнғироқлар шалдираб,
Дўмбиралар дулдираб,
Етиб бориб қарас,
Хар сазақнинг³⁹ тагинда,
Дустуман⁴⁰ ташлаб ул ёрда,
Сувсинига сув топмай,
Емагига нон топмай,
Таловига мол топмай,
Туролмай энди ўйланиб,
Дармони кетиб хўрланиб,
Қирқ қароқчи золимнинг
Етганининг устидан.
Фарруҳ етиб боради.
Ул Фарруҳнинг қорни тўқ,
Ғилжайиб⁴¹ ётган қароқчи,
Сўзловига ҳоли йўқ.
Утовни қуриб Фарруҳжон

³⁹ Саксовул.

⁴⁰ Чалқанча ётмоқ.

⁴¹ Сулайиб ётиш.

Қозонга сув ҳам гўшт солди.
Боладай қилиб барини,
Бирин-бирин кўтариб,
Ҳайин деган шўрлини
Йиғиб ботир олади,
Таом бериб барига,
Ол, эсига келтирди.
Эсига келиб золимлар,
Емон фикр ўйланди,
Фаррух уйқуга кетганда,
Маслаҳатга йиғналди.

Тўлап сорт қароқчиларга қараб айтган жавоби:

Замонингда сайлаб миндини араб от,
Мен сўзласам, кўнглинг бўлар сенинг шод,
Юрдик энди элларга бора олмай,
Ўйласангиз, ўлжа келди, қирқ йигит.

Ҳижр ўтидан куйиб-куйиб ёнайлик,
Қиличини бориб ўғирлаб олайлик,
Кеса боғлаб қиличини ботирнинг,
Ев келди!— деб энди шовқин солайлик.

Ўйқудан очилмай ботир югурар,
Чопилиб оёғи оқар қизил қон.
Қирқимизам миниб энди туяга
Қуруқ қолманг, беклар, бундай ўлжадан.
Тезроқ бўл, отгани йўқ ҳали тонг,
Қонлар оқиб ичи ўтдай ёнади,
Оёғи чопилиб чўлда қолади.
Бой бўлайлик элга бориб, жўралар,
Туринг, дўстлар, энди обрў олалди.

Чарчаб-инграб келётган
Ўйқуда эди мард султон.
Тўқли, Бивак бул золим,
Буғалоқлаб⁴² боради.
Оқ ўтовнинг қопқасин⁴³,
Юқорига туради.
Машъалдай бўп бу Тўқли

⁴² Эмаклаб бориш.

⁴³ Ўтов эшиги, ўтов оғзига тутилган кигиз.

Оқ ўрдага киради.
Ул қилични олади.
Уйқу билан ўлик тенг,
Фарруҳ отли ёш ўғлон
Хабар топмай қолади.
Боғлаб энди ўтовнинг
Эшигига қилични:
— Жон оғажон, ўлдик, деб,
Воҳ, Фарруҳжон, ўлдик, деб
Евлар қувиб келди, деб,
Мендаи дўстинг ўлди!— деб
Чувлаб, шовқин солади.
Фарруҳ отли ёш бола.
Яғрини ерда ётмаган,
Аччиқ билан чучукни,
Ҳеч жаҳонда тотмаган.
— Қайда экан қалмоқлар!—
Дейиб энди ақириб,
Сакраб туриб чопади,
Топ тизининг устидан,
Олмос қилич тегади.
Оёғидаи чопилиб,
Ботир кўзин ёшлади.
Ўтовнинг ичига ўзин ташлади.
Оёғин кесган қилични,
Ездириб қўлига олади,
Ол ўтовнинг ичинда,
Икки оёғи ботирнинг
Юролмасдай бўлади.

Юролмасдай бўлгандан қароқчиларга қараб эланиб,
Фарруҳнинг бир-икки оғиз айтган сўзи:

Дўст боргайсиз омон-эсон элингга,
Кирдингизлар энди шайтон феълига,
Мол-дуйёмни олиб энди кета бер,
Ҳеч ким эга бўлмас энди ўлима⁴⁴.

Ўтовнинг ичлари тўлган қизил қон,
Туғмагай эдим мен узол онадан,
Мени энди қийнамайин кетинглар,
Олиб кетган дунёнгизга розиман.

⁴⁴ Ёлигимга.

Нодонликдан менга бердинг ҳақорат,
Манманлик йигитга ўйласангиз дард.
Жон оғамнинг насиҳатин олмайин,
Сизлардан кўрганман шу кун касофат.

Улмай қолмайман мана бу ярадан,
Тегмай кетсангиз ўқийман имон.
Олар жоним бул оёқнинг яраси,
Кечдим энди дунёда қолган молдан.

Во, сўлмаган минг гулимдан бир гулим,
Бизга лойиқ бўлгай жаҳонда ўлим,
Озор бермәй кетинг энди, оғалар,
Ер бўлгай сизларга снгинган пирим.

Айтолмадим ҳеч кимларга додимни,
Олиб кетинг энди минган отимни.
Олиб борган бу дунёи мол билан,
Тўйлар бериб шод этинг юртимни.
Дейиб энди бул Фарруҳ,
Йинглай-йинглай қоладн.
Кўрмаган кишидай бўлиб,
Туяларга миңгашиб.
Бадар кетди золимлар.
Ботир туққан Фарруҳжон,
Бул ўтовнинг ичинда,
Йиғлаб қолди зору зор.
Кўрганнинг ақли олади,
Кўшнқ айтиб қароқчи
Қиё чўлни янгратиб.
Шодлик билан боради.
Учланчи кун бўлганда,
Чавралойнинг устидан
Кела берди золимлар.
Чиқиб пари қараса,
Туянинг етагинда,
Ҳамма норнинг кейнинда.
Иниси минган Кўланча,
Шунда ўтиб боради.
Бора солиб Чавралой,
Ул отнинг ипини,
Аччигланиб қиз ночор,
Шунда тортиб олади.

Тортиб олиб тулпорни,
Бош эгаси қайда, деб
Қароқчидан сўради:
Кимга солдинг, аё беклар, армонди,
Бул дунёнинг сўнгги сўрсанг ёлгонди,
Эгаси ўлиб оти ўлжа бўлибди,
Елғиз иним энди қайда қолганди (р)?

Фарруҳ эди Туркистоннинг тираги,
Иқилдими боғларимнинг тераги,
Ўзи ўлиб оти ўлжа бўлибди,
Қайда қолди Фарруҳжоннинг суяги?

Ҳеч ким мингандайин эрмас араб от,
Бошидаъ кетдими қайғусиз давлат,
Елғизимдан беринг опага хабар,
Қайда қолганини энди айтиб кет.

Қароқчилар.— Йўл устида тонғилиб⁴⁵ ётган от экан,
ким эга бўлса олиб қолсин,— деб тонғиб олиб келамиз,— деб айтгани:

Очилмаган минг гулингдан бир гулинг,
Ночорликдан мен топмадим ҳеч миннинг,
Йўл бўйинда бойловдаги от экан,
Эгасини биз билмаймиз, жон синглим.

Иним дейиб сен йиғлайсан зору зор,
Фарруҳингдан бизлар энди беҳабар,
Даркор бўлса ола қўйгин отини,
Жоним синглим, кўп сўзлама, аллаёр.

Қароқчилар туриб бадар кетди. Чавралой ковушларини осиб, эркак кийимини кийиб, Пастқўк деган бир тулпор оти бор эди, буни миниб, инисининг отининг бўйнига арқонини боғлаб:— Эгангни топ, жонивор!— деб айтиб бораётгани:

От, жонивор, жонивор,
Эганг ўлиб майдонда,
Мен бир чекдим қайғу зор,
Ўзим бир ночор авлодман,
Аслинг сеннинг хоназод,

⁴⁵ Боғлаб қўйилган.

Ақлинг одамдан зиёд,
Етказа кўр мени, деб
Отга қамчи босади.
Ботир минган жонивор,
Гурлаб кишнаб боради.
Уч кунчалик йўлларни,
Бир ярим кунда олади.
Борса энди Чавралой,
Оқ ўтовни кўради.
Оқ ўтовнинг ичинда,
Фарруҳ отли бул полвон
Рустамдай бўлиб ётибди,
Қизил қонга ботибди
Сарғайибди снёги,
Чопилибди оёги.
Қира солиб Чавралой,
Инисни қучоқлаб,
Ҳар бетидан бир суйиб,
Иккигина сёғин
Жой-жойига қўяди
Омонлашиб, бечора,
Иниси билан йиглашиб,
Оқизиб кўзда ёшини,
Кўрди энди шул вақтда.
Қароқчининг ишини.
Чавралой қиблага қараб,
Қора сочин олдига солиб,
Ўтган аралларга айтгани:
Сўлмагай инининг дунёда гули,
Ҳасан-Ҳусан Мустафоннинг булбули,
Олгин хабар ёлғизимнинг ҳолидан.
Пигитнинг пирисан, ё Ҳазрат Али.
Фарруҳ тугди жон отадан ҳам ёлғиз,
Одамзод ўлганда юмилмайми кўз.
Чўлларда қолганга энди ёр бўлган,
Тоғ эгаси стингдан Тукли азиз.
Бул гапларни айтибам.
Пиглаб турса Чавралой,
Қибладан қирқ кийик
Сақраб, ўйнаб келади.
Утирган ери тоғ эди,
Кеса турган бир тошга,
Бир кийик оёғин уради.

Оёғи икки бўлак бўп,
Чўнқайиб кийик туради.
Бошқа кийик чувлашиб,
Тоғнинг дори чўпини
Топиб шунда келади.
Синган оёғин тишлаб,
Жойига қўйиб жонивор.
Топиб келган дори чўпини
Бир кийик оғзига тишлаб,
Оёғига суртади.
Қараб турса Чавралой,
Ул кийикнинг оёғи
Бурунгидай бўлади.
Қирқ кийик билан қўшилиб,
Оёғи синган жонивор
Энди ўйнаб боради.
Дори бўлган сари чўп,
Шул жойларда қолади.
Югуриб бориб Чавралой,
Сари чўпини олади.
Оёғига, вой, суртиб,
Иниснинг Чавралой,
Уксиб-ўксиб йиғлади.
Уч кун ўтгач орадан.
Фарруҳжоннинг оёғи,
Бурунгидай бўлади.
Фарруҳ миниб бир отга,
Чавралой миниб бир отга,
Опа-нини шод бўлиб,
Туркистонга жўнади.
Ўтовга яқин келганда,
Чавралой отли паризод
Бир ҳабашни отни кўриб,
Юраги ёрилиб сўйлади:
Мен бўлмадим жаҳонда шаҳзода,
Учрадикми, жоним иним, балога.
Бундай отни кўрибмидинг дунёда?
Туркистоннинг молини талов қилиб,
Бошимдан кетмади қайгу, зор, бало

Бунингдайин ҳеч ерда йўқ араб от.
Юрагимдан кетмади-ку меҳнат, дард,

Хабардор бўл, айналайин, Фарруҳжон,
Бундай отда ҳеч бўлмайди хосият.

Фарруҳ кўриб, оғасининг оти эканини таниб, орқасига қараб бир жилмайиб кулиб қўйди. Чаққон отдан тушиб, Фарруҳ опасининг ҳам отини боғлаб ўтовга юриш қилган вақтида:— Бора кўрма, иним!— деб йиғламоқ билан бўлди Чавралой зорлаб. Қувонган Фарруҳ турсинми, ўтовнинг қопсасин очиб қараса, Жамҳур оғаси Хидирбой отаси билан гурунгни бошлаб, уйига келган кишидай бўи, дўмбирани қўлга олиб ўтирган экан ўланни бошлаб, қучоғин очиб, югуриб, оғаси Жамҳурга Фарруҳнинг айтган сўзи:

Бул дунёнинг сўнгги экан бепоён,
Устимдан кетмади энди бир туман,
Айтганинг қилмайин қолдим саҳрода,
Насиҳат олмаган йўлиқади балога,
Айналайин, келдингизми, оғажон!

Инингнинг оққандир кўзидан ёши,
Қилганим, оғажон, анқовнинг иши,
Тузимни еб, оёғимдан айирди,
Чўлга ташлаб кетди мени қароқчи.

Яхшилар бўлмайди дунёда ёмон.
«Сир берма!»— деган бурундан қолган.
Ўлганинда сўяб, энди сув бериб,
Қароқчи бошимга айролик солган.

Мен инондим золнмларнинг сўзига,
Оқ феълимдан қамчи тегди кўзимга.
Мен айрилиб сенигдайин оғадан,
Зор бўлиб қолганман босган изингга.

Яхши бир одамдан чиқмайди ёмон,
Ўқларингнинг учларидан оқиб қон.
Ота-онанг борми омон элингда,
Сизни кўриб кетди мендан кўп армон.

Жамҳур:— Эй иним, ишқ ўтидан ёнайлик, ёмонларнинг бориб жонини ўтга солайлик, бирин-бирин ўлдириб, мол-дунёни олайлик. Тўя-молларни ташлаб юртидан қочиб кетмасин,— деб тикка турди шул замон.—

Хуш бўлигиз ота!— деб Хидирбойдай бойларнинг оқ
фотиҳасин олади:

Жамҳур минди отига,
Фарруҳ минди отига,
Чавралой миниб бир отга,
Туркистондан қирқ йигит,
Унгаридан ўн йигит,
Олтмиш бўлиб бариси,
От ўйнатиб боради
Иккиланчи кунинда,
Сайрам билан Сарвоннинг,
Теварагини олади.
Бул Жамҳурни кўрган сўнг,
Қирқ қароқчи шайтонлар,
Сайрам элининг йигити —
Бари душман бўлади.
Борса энди ботирлар,
Қирқ қароқчи бўлиб шод,
Тўй берибди Тўлап сорт.
Тўй устидан келади,
Жамҳур деган гўч йигит.
Қирқ қароқчи золимнинг,
Бирин қўймай барисин,
Қўлин ортига боғлади.
Уйиндаги молларидан,
Ғалн билан гиламни
Қўнмай энди йигитлар
Туркистонга ҳайдади.
Олиб бориб Туркистонга,
Жар урдириб шаҳрига,
Ботир туққан мард Фарруҳ,
Улли¹⁶ тўйни бошлади,
Туркистон эли яшнади.
Байроқни мўлдан беради,
Улоқ деган ўйинга,
Туркистоннинг йигити,
Ғайрати билан киради.
Ўндан, ўндан, ўн отли,
Оёгин кесиб золимларнинг
Кўпкарига беради.

¹⁶ Катта.

Қирқ қароқчи қазопни,
Қийноқ билан ўлдириб,
Эли-қунин чақириб,
Иккивора бир товоқ,
Паловларни уйдириб,
Хидирбойдай қарингиз
Ўртага чиқиб сўзлади,
Сўзлай бериб не деди:
— Қулоқ солгин, арзим эшит, Туркистон,
Йигитлар айирди бизни душмандан.
Эр Жамҳур дунёда танҳо эр экан,
Менинг розилигим бўлсин, жон болам.
Мардликка очгандир халқнинг кўзини,
Сарғайтирди душманларнинг юзини.
Рози бўлсанг Туркистондай элларим,
Жамҳур отли адолатли полвонга
Бағишладим Чавралойдай қизимни.

Тенгдай кўрдим икковнинг бўйини,
Сўйинг энди Хидирбойнинг қўйини,
Қиз-келинлар қўбиз тортиб ўтовда,
Бошласинлар Чавралойнинг тўйини.
Бул гапларни айтган сўнг,
Туркистоннинг элати
Дарё каби тошади,
Бўза-шароб ичади.
Боғларнинг гули шайдоди (р),
Йигитлар вақтин хушлади,
Турли ўйин бошлади
Хидирбойдай судхўрини
Қўли очилиб кетади.
Оқ ўтовни қурдирди,
Жамҳур билан қизига,
Зарнигордан кийдирди.
Мард Хидирбой тошади,
Ҳақ никоҳин кийдириб,
Жамҳур отли полвонга
Чавралойни қўшади.
Шодлик билан кўради
Сонсиз молу давлатни
Чавралой билан бул Жамҳур
Оқ ўтовда дўлониб,
Қила берди суҳбатни.

Ойлар орадан ўтди,
Қунлар орадан ўтди,
Қила берди суҳбатди.
Эндиги сўзни эшитинг:
Зангарнинг беклари,
Ботир туққан Алим шоҳ
Кеча-кундуз йўл тортиб,
Бориб эди элига.
Неча йиллардан бери,
Тўзиб қолган жойлари,
Кирдилар уй-уйига.
«Бизга келган меҳмон», — деб
Ун минг уйли қалмоқни,
Қаласига жойлади.
Жойлашиб эллар бўлган сўнг,
«Шаҳар энди бизники!» — деб
Орча бийни хон қилиб,
Қалмоқлининг эллари
Алимбийдай бекларни,
«Сендан навбат кетди!» — деб
Иш қўшиб, уриб ҳайдади.
Деҳқон билан чорвадан,
Яхши кийим қўймади.
Аччигланиб ўзбаклар,
Уч сафари уришди,
Уч сафари ярашди.
Оққўзи деган шул вақтда,
Ўзбакларнинг ичинда,
Бир ботир бор эди,
Чақириб олиб халқини,
Халққа қараб сўзлади:
— Оққўзи лейдилар дунёда отим,
Саваш бўлди кеча-кундуз муродим,
Хўрлик кўриб ўн минг уйли қалмоқдан,
Хўш қолинглар биздай марддан, элатим.
Уйсиз дейиб ёвга бердик қалани,
Парт айлади хотин билан болани.
Деҳқонларга очиқ кунни кўрсатмай,
Илоё қурнсин дунёда Жамҳур,
Эргаштирди бизга қарши балони.

Элларимдан кунда оқар қизил қон,
Дўст бўлмайди зolim аввалдан душман.

Рухсат берсанг бошим олиб кетаман,
Ўйнаб-ўсган элу халқим, хўш-омон.

Шул вақтда ўзбакнинг қўлига гаёқ олган қарила-ри:— Дўст бўлмасин билдинг, қалмоқнинг сирин олдинг; уч кунлик йўлда Туркистонда Фарруҳ деган бола бор, келса солар қайғу зор. Бош бўлмаса бир элга, охиринда лош бўлар,— деб Оққўзини чақириб олиб, бир сўз айтгани:

Меҳмон қилар аввал келса иозини,
Ўтказдинг-ку шул баҳорнинг ёзини.
Элни ташлаб, э, арслоним кетарсан,
Мен айтайин болам сенга сўзимни.

Ғўч йигитнинг ҳаққа етган ноласи,
Евда қолар оқ Зангарнинг соласи,
Қалмоқларга ўпка қилма, жон қўзим,
Туркистонда бул Зангарнинг эгаси.

Отасининг оти Болтакай полвон,
От ўйнатиб чиқса Фарруҳ майдонга,
Ҳайбатига чидолмайди тирик жон.
Олиб келинг бу юртларнинг эгасин,
Қариганда болам сендан розиман.

Боболарнинг сўзини қулоққа олиб, Оққўзи ёнига қирқ йигитин ияртиб, Туркистон вилоятига қараб бориши:

Ҳақнинг қилган ишига
Бул Оққўзи кўнади.
Туркистоннинг элига
От ўйнатиб жўнади.
Ширин жонини қийнади,
Тулпорини ҳайдади.
Остидаги тулпорлар
Чуп деганда гурлади.
Бул Фарруҳнинг ўтовин
Ҳар кимлардан сўради.
Саҳарнинг файз вақтинда,
Жамҳур билан Чавралой,
Етиб эди дўлониб,
Икки ошиқ қўшилиб,

Дол ипакдай эшилиб,
Кўрганнинг ақлин олиб,
Бир-бирининг бўйнига
Оқ билагини солиб.

Оққўзи ўтовнинг ёнига келиб сўзлади:

Бир оллога қилдим дунёда нолиш,
Ўйлаб турсам қиёматнинг йўли олис.
Зангарнинг полвони отинг мард Фарруҳ,
Чиқ майдонга, бизнинг билан хабарлаш!

Юрган ерим тоғлар билан лолозор,
Ботир йигит туққанига қувонар,
Кунлар туғиб келдим шу кун бошимга,
Зангарнинг полвони мендан ол хабар.

Элдан айрилганлар бўлар бенаво,
Нечаларга тор кўринар бу дунё.
Кунлар туғиб келдим энди бошимга,
Чиқ, Фарруҳим, шу кун энди далага.

Уйқида ётган Жамҳуржон ирғиб турди ўрнидан

Олло менга ёр, дейиб,
Дунё менга тор, дейиб,
Не шумликлар бор, дейиб
Чакманин кийиб эгнига.
Бўркин олиб бошига,
Ополонда-сополон,
Чиқиб қолди бул Жамҳур,
Оққўзининг қошига,
Отдан тушиб Оққўзи,
Беглари гулдай ёнади,
Ботирнинг қўлини олади.
Ўрдаларни бўшатиб,
Аппир-тапир бўлади.
Ботир туққан бул Фарруҳ
Оққўзини кўрган сўнг,
Ҳол-ёғдайин сўради:
Тоғнинг боши алвон-алвон лолозор,
Мард ўлганда, золим душман қувонар.
Кетиб эдинг ул Емандан туққандай,
Зангарнинг элидан беринглар хабар.

Сен минибсан узоқ йўлга араб от,
Кўнглингда бор мен ўйласам қийин дард.
Зангарнинг полвони, ботир Оққўзи,
Элу халқинг бўллимикан фароғат.

От бўйнига тақиб тилладан тумор,
Душманларга солдинг энди қайғу зор.
Кириб олиб саройингнинг ичига,
Зангар юртга талов солдими қалмоқлар?

Раҳми келмас хотин билан болаға,
Дог солдими чорва билан далаға,
Тезроқ айтгин кўнглингдаги армонинг
Не иш бўлди, Оққўзидай жон оға?!

Оққўзи йиғлаб юбориб қалмоқдан хўрлик кўргани-
ни баён қилгани:

Арзим эшит, айналайин, оғажон,
Қалмоқлар солгандир юртимга армон.
Бориб кириб қаламизнинг ичига,
Кўп ерларни қилди ул золим вайрон.

Ўлли босқин берар келган йиғинди,
Ҳар бирови куш ичинда туйғунди (р),
Зангарнинг шаҳрига бориб жо кириб,
Ўзбакларга солди энди қирғинди.

Уч мартаба оқди Зангар элдан қон,
Халқимизни қилди қалмоқлар вайрон.
Уришайик десак энди таёқ йўқ
Савашайлик десак йўқдир ул шаймон*.

Остимда ўйнайди минганда тулпор,
Бирови қирқ мингдай одамни қувар,
Қарши бўлдик унингдайин қалмоққа,
Армон билан ўлди неча ботирлар.

Жамхўрнинг чопонидан туклари перлаб ўтди.— Тур-
кистондан лашкар йиғна!— деб буюрди:

Шунда гуриб Жамхўрбек,
Ширин жонин қийнади,

* Қурол.

Қалада отни ҳайдади.
Туркистоннинг элидан
Уттиз минг лашкар йиғнади
Сари ёйи дубилга,
Қирағай найза, исфиҳон,
Тошкесар қилич белинда,
Тўлқинланган Туркистондан
Арслон ўзбак беклари,
Тўп-тўп бўлиб чиқади,
Саф-саф бўлиб чиқади.
Фарруҳ минди отига,
Жамҳур минди отига,
Олтин бош қора туғ билан,
Оғир тўпин судратиб,
Ҳар кўчганда Фарруҳжон
Томошага ўқ отиб,
Уч кун йўллар юрганда,
Қалмоқнинг подшоси
Келаётган лашкарга
Қараб тўплар отади.
Мерганлари кофиринг.
Ер бағирлаб ётади.
Уқдан учиб минг одам,
Ана-мана деганча,
Бул дунёдан ўтади.
Ўзинг кўрган эр Жамҳур,
Арслон каби ақирди,
Товушига ботирнинг
Қора тоғлар титради.
Ўқинг билан сен ялчи,
Тўпинг билан сен ялчи,
Қалмоқлининг ботирига,
Тегди найзанинг учи.
Жамҳур билан Фарруҳжон,
Кўча бошлаб боради,
Айни чошка вақтинда,
Зангар деган қалага,
Бул калмоқни камали.
Ботир туққан бул Фарруҳ,
Тўпчиларга сўзлади:
Отинг, золим, от, деди.
Қорэ тўпни торт, деди.
Бул қалани тевараклаб,

Қўп бир аскар ёт, деди.
Ўзбак келди ўн мингдан,
Қирғиз келди ўн мингдан,
Қуршаб шаҳарин олади,
Қалмоқлининг бошига
Не бир қайғу солади.
Чиққанини ўлдирди.
Боғнинг гулин сўлдирди.
Бул Жамхурнинг ҳайбатига
Қалмоқ ёмон шошади,
Қаланинг орқасидан,
Йўллар топиб қочади.
Қочганин тутиб олади,
Қўл-оёғин боғлади,
Халққа қаршилиқ кўрсатган,
Қалмоқ бўлса шул вақтда,
Банди қилиб ҳайдади.
Уғил ўлжа бўлади,
Қизлар есир бўлади.
Ул қалани очдириб,
Ботирларнинг устига
Тилла-танга сочдириб,
Шул замоннинг ўзинда
Бир-бировни кўрмакка
Ошиқ энди зор экан,
Хазинанинг ичинда,
Давлат қуши бор экан,
Қафасни олиб боболар:
«Одил хонни етказ!»— деб
Йиғлашдилар зору зор.
Давлат қушни учирди,
Жамхур отли полвоннинг,
Келиб бошига қўнди.
Беш мартаба қўндириб,
Олтиланчи бўлганда,
Жамхурнинг отини
Жағдалихон қўяди;
Жағдали хон бўлиб
Душман кўзин ўяди.
Боқилади тўйларга
Шул вақтинда араб от.
Чорвадор эди эллари,
Мол йиғиб халқнинг,

Кўнгли бўлди энди шод.
Зангар, шаҳри Туркистон,
Бўлди жуда ҳам обод.
Ойим деган бир қизни,
Олиб бериб Фарруҳга,
Бунга оқ ўтов бериб,
Остиндадир тулпор от,
Фарруҳ деган султоннинг
Давлати бўлди зиёд.
Езнаси хон бўлган сўнг,
Туркистон ул Еман,
Зангар билан қўшилиб,
Дол ипакдай эшилиб,
Бир-бировлари билан
Бедов миниб тоғдан ошиб,
Уч юрт бирга дўстлашиб,
Эллари бўлди обод.

Аввал камлик кўrsa йигит,
Охиринда бўлади экан,
Ул йигитнинг кўнгли шод.
Бул дostonни айтиб кетган,
Нуротанинг элинда,
Ойтуғарнинг шогирди,
Шоир эди Холмурод.
Тўй-маърака бўлганда,
Ҳеч чекмаган қайғу зор,
Шод қилиб элларни,
Олтмиш йилча у жирлаб,
Қурбонбой бахшига
Қолган экан бу дoston
Холмуроддан ёдигор.
Бу дostonни сўрасанг,
Кўп жировдан энди қолган,
Султонова Феруза деган,
Бул дostonни ёзиб олган.